

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/02.30.12.2019. TAR.45.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ

САЙФУЛЛАЕВ БАХТИЁР ҚУРБОНОВИЧ

ЎРТА ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ТОШ ДАВРИ МАДАНИЯТЛАРИ

(Зирабулоқ топилмажойи материаллари асосида)

**07.00.06 – Археология
(тарих фанлари)**

Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2022

Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора исторических наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of the Doctor (DSc) of Historical Sciences

Сайфуллаев Бахтиёр Курбонovich

Ўрта Зарафшон воҳаси тош даври маданиятлари (Зирабулоқ топилмажойи материаллари асосида)5

Сайфуллаев Бахтиёр Курбонovich

Культуры каменного века долины Среднего течения Зарафшана (по материалам местонахождения Зирабулак)37

Sayfullayev Bakhtiyor Kurbonovich

Stone Age cultures of the valley of the middle Zarafshan (based on materials from the Zirabulak location)71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....75

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/02.30.12.2019. TAR.45.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ

САЙФУЛЛАЕВ БАХТИЁР ҚУРБОНОВИЧ

ЎРТА ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ТОШ ДАВРИ МАДАНИЯТЛАРИ

(Зирабулоқ топилмажойи материаллари асосида)

07.00.06 – Археология
(тарих фанлари)

Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2022

Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № 07.00.06 B2022.2.DSc/Tar248 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Миллий археология марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.archaeology.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ширинов Темир Ширинович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аскарлов Ахмадали Аскарлович
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА академиги

Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор

Мавлонов Ўқтам Махмасобирович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фаргона Давлат университети

Диссертация ҳимояси Миллий археология маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/02.30.12.2019. Tar.45.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «16» 12, соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй.) Тел.: (+99871) 233-64-62; e-mail: uzarchae@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази ва Фундаментал кутубхонасида танишиш мумкин (64-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58; Факс: (99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2022 йил «01» 12 кун тарқатилди.
(2022 йил «01» 12 даги 8 - рақамли реестр баённомаси).



Ф. А. Мақсудов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Д. Х. Муродова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, PhD

А. А. Анарбаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихининг ажралмас қисми бўлган тош даври археологияси дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказларининг тадқиқот мавзуларидан ҳисобланади. Маълумки, тош даври тарихини ўрганишда ўтмишимиздан далолат берувчи асосий ахборот манбаи бу одамлар томонидан ишлов берилган тош қуроллар ҳисобланади. Ушбу артефактлар биздан минглаб йиллар қадимда яшаган аجدодларимизнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар беради. Тош даврида мужассамлашган меҳнат қуроллари ва уларнинг такомиллашиб бориши узоқ ўтмишдаги ибтидоий одамларнинг турмуш тарзи, ҳўжалиги ва миграция жараёнларини қандай юз берганлиги масалаларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда тош даври индустрияларини ўрганишда Ж. Пелигриннинг технологик ва С. Тибуанинг техно-морфологик усуллари ишлаб чиқилди ва Яқин Шарқ, Европа материалларида синовдан ҳам ўтказилди. Ушбу тадқиқот усуллари Зарафшон воҳасининг тош даври ёдгорликлари индустрияларини ўрганишда қўллаш Ўрта Осиё ибтидоий давр тарихини илмий асосда ўрганишда янги имкониятлар яратади.

Тадқиқот объекти сифатида танланган Зирабулоқ топилмажойининг тош ашёлари мажмуасини замонавий техник-типологик ва морфологик усулларда тадқиқ қилиш ҳамда Ўрта Зарафшон воҳаси тош даври ибтидоий тарихини яратилишини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш диссертациянинг долзарблигини белгилайди.

Мустақиллик йилларида миллий тарихимиз, бой маданий меросимизни ўрганишга катта эътибор қаратилди, археологик ёдгорликларда тадқиқот олиб бориш учун кенг имкониятлар яратилди. Бугунги кунда Зирабулоқ ёдгорлигини маданий-даврий хусусиятларини очиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 21 сентябрдаги 792-сон “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ва 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” ги, 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-40689-сон “Моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан яхшилаш тўғрисида” ги қарор ва фармонларида белгиланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, халқимизнинг бой тарихи, моддий ва маданий меросини илмий ўрганиш, тарғиб қилиш ва бойитиб бориш каби вазифаларни маълум даражада бажаришга хизмат қилади¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида.” ги Фармони; 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Зирабулоқ топилмажойининг археологик материаллари бир қатор хорижлик мутахассисларнинг эътиборини тортган. Улар икки тоифага: ёдгорликнинг материалларини билвосита ва бевосита ўрганишларга бўлинади.

Билвосита тадқиқотлар. Зирабулоқ ҳақидаги маълумотлар Л.Б. Вишняцкийнинг «Палеолит Средней Азии и Казахстана»² номли монографиясида таҳлил қилинади. Асарда таъкидланишича, Зирабулоқнинг тош ашёлари Ғарбий Европанинг классик ёдгорликлари материалларига ўхшашдир. Зирабулоқ ва Қўтирбулоқ ёдгорликлари материаллари ўхшаш ва даврий жиҳатдан синхрон, яъни мустъе даврига хослиги таъкидланган. Зирабулоқ ва умуман, Ўрта Зарафшон воҳасининг ўрта палеолит даври ёдгорликлари ҳақида Беларуссиялик тадқиқотчи Л.В. Кулаковскаянинг «Мустъе Азии: взгляд из Европы»³ номли мақоласида таҳлил қилинган. Мақолада Зирабулоқ ва Қўтирбулоқ топилмажойлари материаллари маданий жиҳатдан ўрта палеолитнинг тишсимон-мустъе вариантыга киритилган. Зирабулоқ материаллари Новосибирлик тадқиқотчи С.В. Шнайдернинг магистрлик ишида⁴ ҳам тилга олинади. Унда асосий эътибор ёдгорликнинг ўрганилиш тарихига қаратилган.

Бевосита тадқиқотлар. Франциялик тадқиқотчи Ф. Бруненинг Ўрта Осиё тош даври индустрияларини тадқиқ қилишга бағишланган магистрлик ишида Зирабулоқнинг чоп этилмаган материаллари таҳлил қилинган ва уларнинг ишланиш техникаси турличалиги таъкидланган⁵.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Ўрта Зарафшон воҳаси янгидан-янги қадимги археологик ёдгорликларни тақдим қилишда давом этмоқда.⁶ Улардан бири - Зирабулоқ топилмажойи - Зиёвуддин тоғлари этакларидаги шу номли чашма атрофида, Қўтирбулоқ топилмажойидан 1,5 км шарқроқда⁷, денгиз сатҳидан 475 м баландликда (координатлари: 0253115 С, 4422094 В)

2018 йил 18 январь “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармойиши; [Электрон ресурс]. www.lex.uz.

² Вишняцкий Л.Б. Палеолит Средней Азии и Казахстана. Изд-во «Европейский дом». Санкт-Петербург, 1996. -С. 221.

³ Кулаковская Л.И. Мустъе Азии: Взгляд из Европы // Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной и Восточной Азии и Америки. Новосибирск, 1990. -С. 114.

⁴ Шнайдер С.В. История исследований палеолита Узбекистана. Новосибирск, 2011. -С. 32.

⁵ Brunet F. L'industries paléolithique en Asie Centrale (L'étude typologique). Pqris, 1998. -P. 129.

⁶ Саидов М.М., Сайфуллаев Б.Қ., Рахимов К.А. Самарқанд археология институтининг сўнгги йиллардаги кидирув тадқиқот ишларига доир //Ўзбекистон археологиясининг долзарб масалалари. Республика илмий конференция материаллари. Самарқанд, 2022. Б. 160-164.

⁷Ташкенбаев Н.Х. Некоторые данные по палеолиту Зарафшанской долины // ИМКУ, вып. 21, Ташкент, 1987. -С. 3-11.

жойлашган. Ёдгорлик 1971 йилда Ю.Ф. Буряков раҳбарлигидаги Самарқанд археологик гуруҳи томонидан аниқланган ва даставвал Н.Х. Тошкенбоев томонидан қазиб ўрганилган⁸. Ёдгорлик 1977-1978 йилларда Самарқанд давлат университети олимлари томонидан ўрганилган ва минглаб тош ашёлар йиғиб олинган ва улар мазкур диссертацияда илк мартаба тадқиқ қилинмоқда.

Н.Х. Тошкенбоевнинг тадқиқотларидаги асосий қазишма чашмадан 50 м ғарбда, 32 м кв майдонда, 2 м чуқурликгача амалга оширилган⁹. Палеолит даври ашёлари учрайдиган қатламлар сўнгги йилларда амалга оширилган қурилиш ишлари туфайли бузиб юборилган. Тош артефактлар асосан 2 м чуқурликгача бўлган қатламларда учраган, бироқ бу ерда ўрта асрларга оид сопол буюмлар ҳам топилган. Шунингдек ёдгорликнинг юза қисмидан ҳам кўплаб тош артефактлар териб олинган¹⁰. Демак, ёдгорликнинг тош даврига оид қатламларига шикаст етган.

XX асрнинг 90-йилларида Зирабулоқ топилмажойи ЎзР ФА Археология институтининг илмий ходими Т.Ю. Гречкина раҳбарлигидаги палеолитчилар гуруҳи томонидан тадқиқ қилинди, унинг натижалари ҳисоботда ва айрим илмий мақолаларда ўз аксини топган¹¹.

Зирабулоқ топилмажойи ҳақидаги умумлашган ва замонавий тадқиқотлар Б.Қ. Сайфуллаевнинг қатор мақолаларида¹² ҳамда монографиясида келтирилган¹³.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Миллий археология марказида амалга оширилган «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи қадимги тош, илк металллар ва антик даврлари ёдгорликларини тизимли тадқиқот этиш ҳамда Ўзбекистон халқлари тарихий мероси объектларини сақлаш» (ФА-Ф-1-001) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

⁸ Ташкенбаев Н.Х. О работах на Зирабулакской палеолитической стоянке // АО, 1978. М., 1979. -С. 563. Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. Ташкент, 1980. -С. 34.

⁹ Бибилова В.И. Некоторые замечания по фауне из мустьерской пещеры Аман-Кутан // СА, № 3. М., 1958. -С. 229-233.

¹⁰ Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. Ташкент, 1980. -С. 34.

¹¹ Гречкина Т.Ю. Некоторые итоги исследования Зирабулакской палеолитической стоянки // Археологические работы на новостройках Узбекистана. Ташкент, 1990. -С. 14.

¹² Сайфуллаев Б.К., Ташкенбаев Б.К. Древнейшие культуры среднего течения Зарафшан // Роль города Самарканда в истории мирового культурного развития. Материалы Международного научного симпозиума, посвященного 2750-летию юбилею города Самарканда. 2007. –Б. 13-16. Джўракулов М.Дж., Сайфуллаев Б.К. “Кўрсатгич бармоқ” типидagi тош пичоқларнинг Зирабулоқ варианты. Ўзбекистон Археологияси, №2 (17). Самарқанд, 2018. –Б. 75-88. Сайфуллаев Б.К. Роль сырья в развитии техники обработки камня в палеолите Самарканда (по материалам местонахождений Кутирбулак и Зирабулак). Взгляд в прошлое. №25. Ташкент, 2019. –С. 30-42. Sayfullayev Bakhtiyor Kurbanovich, Ergashev Odil Tursunovich The Zirabulak variant of the stone knife of the “forefinger” type. Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 11, Malaysia, 2020. -P. 540-542.

¹³ Сайфуллаев Б.Қ. Ўрта Зарафшон воҳаси тош даври маданиятлари (Зирабулоқ топилмажойи материаллари асосида). СамДУ нашриёти. Самарқанд, 2022. -Б. 385.

Тадқиқотнинг мақсади таҳлилнинг янги, замонавий техник-типологик ва морфологик усуллар ёрдамида Зирабулоқ топилмажойи археологик материалларини маданий-даврий хусусиятларининг ҳаққоний талқинларини ишлаб чиқиш ва ёдгорликнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрнини ҳамда Зирабулоқни ибтидоий аҳолисининг маданий, ижтимоий-иқтисодий ва кундалик турмуш тарзини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

-замонавий технологик, типологик ва техно-морфологик усулларда Зирабулоқ топилмажойининг тош индустриясини ишланиш техникаси ва сақланиш даражасига кўра хронологик мажмуаларга ажратиш;

-Зирабулоқ топилмажойи тишсимон ретушли тош қуролларини С. Тибуанинг техно-морфологик усулида тадқиқ қилиш, улар орасидан интенционал ва сохта ретушли ашёларни ажратиб олиш ҳамда ёдгорликнинг тишсимон-мусте маданиятига киритилишининг объективлигини аниқлаш;

-замонавий техник-типологик усуллар ёрдамида ишланиш техникаси ва сақланиш даражасига кўра Зирабулоқ топилмажойи тош индустриясида сўнгги палеолитга оид комплексни ажратиб олиш, унинг генезиси ҳамда хронологик даврлаштирилишини ишлаб чиқиш;

-Зирабулоқнинг тош ашёларини А. де Люмлейнинг замонавий типологик ҳамда Ж. Пелигриннинг технологик усулларида тадқиқ қилиш ёрдамида ёдгорликдаги ўрта ва сўнгги палеолит даврларига оид мажмуалари индустриялари ўртасидаги техник-типологик ва маданий алоқадорликни аниқлаш;

-Зирабулоқ топилмажойи сўнгги палеолитга оид ашёлар мажмуасини кенг қиёсий таҳлил қилиш ва аналогиялар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда улар орасида инновацион технологик ҳамда типологик элементларни аниқлаш;

-ёдгорликнинг тош қуролларини трасологик таҳлиллар ёрдамида Зирабулоқнинг ибтидоий аҳолисининг хўжалик ҳаёти тарзини, шунингдек петрографик ва статистик таҳлиллар ёрдамида Зирабулоқ топилмажойи тош индустриясининг хом ашё таркибини ва унинг тошга ишлов бериш техникасига таъсирини аниқлаш;

-ишланиш техникаси ва сақланиш даражасига кўра Зирабулоқнинг тош индустриясида мезолит даврига оид комплексни ажратиш;

-замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида Зирабулоқ топилмажойи тош индустриясида ажратилган хронологик мажмуаларнинг маданий-даврий хусусиятларини ва ёдгорликнинг Ўзбекистон ҳудуди тош даври маданиятлари тизимида тутган ўрнини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини Зирабулоқ топилмажойидан турли йилларда йиғиб олинган археологик материаллар, шунингдек ЎзР ФА Археология институти ҳамда Самарқанд Давлат университети фондларида сақланаётган моддий-маданий ашёлар, Республикамиз ва хорижда нашр этилган илмий адабиётлар ташкил этган.

Тадқиқотнинг предметини Зирабулоқ топилмажойидан йиғилган моддий маданият намуналари – тош ўзаклар, пластиналар, тош қуроллар, тошга ишлов бериш техникаси ва технологиялари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Зирабулоқнинг тош ашёларини тадқиқ қилишда А. де Люмлей томонидан ишлаб чиқилган «Ф. Борд техник-типологик усулининг модернизациялашган системаси», Ж. Пелигриннинг «Тошларни чақмоқлашнинг технологик усуллари» ҳамда С. Тибуанинг «Сохта ретуш ва сохта қуролларни аниқлаш»нинг замонавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Зирабулоқ топилмажойи тош ашёлари орасида тишсимон элементларнинг постдепозицион ва механик характерга эгалиги ҳамда уларнинг ўрта палеолит даври маданиятларининг параллел леваллуа-мустье варианты эканлиги аниқланган;

Ўрта Зарафшон воҳасининг тош қуроллар мажмуаларида ўрта ва сўнгги палеолит даврининг бошларига оид индустриялари ўртасида техник-типологик ва маданий ворисийликнинг мавжудлиги аниқланган;

Зирабулоқнинг илк сўнгги палеолитга оид индустрияси мажмуаси кўп жиҳатдан Ғарбий Европанинг ориняк маданияти материалларига ўхшашлиги асосланган;

Зирабулоқ аҳолисининг хўжалик тури - овчилик, термачилик ҳамда балиқчилик бўлганлиги исботланган;

Зирабулоқда сўнгги палеолит даврида тош қуролларга ишлов бериш техникасида, жумладан, уларни ретушлашда тартиблилик, параллеллик ва тизимлиликнинг пайдо бўлиши, шунингдек, тош синдириш техникасида енгил тош ушатғичнинг қўлланила бошланиши каби катта эволюцион ўзгаришлар рўй берганлиги исботланган;

тош мажмуалари орасида аниқланган микропластинкалар ва пластиналарни воситачи ёки эзиш техникаси ёрдамида чақмоқлаб олинганлиги ҳамда тош қуроллари орасида гардишсимон қирғиччалар, конвергент шаклли митти қирғичлар, айрим кесгичлар, геометрик трапеция ҳамда учбурчак қуролларнинг мавжудлиги асосида Зирабулоқда мезолит даврида ҳаёт давом этганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Зарафшон воҳаси ҳудудида ўрта, сўнгги палеолит ва мезолит даврларига оид археологик материаллар мужассамлашган эталон мажмуаларининг аниқланиши, уларни тадқиқ қилинишида замонавий техник-типологик, технологик, трасологик ҳамда морфологик усулларнинг қўлланилиши йўриқларини ишлаб чиқилиши келажакда Ўрта Осиёда тош даврига оид аралаш тўпламларни таҳлил қилишда муҳим таянч манба бўлиб хизмат қилади.

Ўрта Зарафшон воҳасида илк сўнгги палеолит ва мезолит даврларига оид комплексларнинг аниқланиши қўшни Қизилқум ҳудудларида кенг

тарқалган Калтаминор неолит маданиятининг генезиси масалаларига ойдинликлар киритиши мумкин.

Тадқиқотда қўлга киритилган натижаларга кўра, Ўрта Зарафшон воҳаси мусте-леваллуа маданияти соҳиблари томонидан илк маротаба ўзлаштирилган ва уларнинг кейинги тақдири илк сўнгги палеолит даври маданияти билан уйғунлиги исботланди, бу ўз навбатида ҳудуд тарихини янги стандартларда қайтадан, объектив ёритилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида тан олинган илмий ёндашувлар ва усуллар асосида бирламчи моддий маданият манбаларидан, кенг қамровли адабиётлардан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти унинг Ўзбекистон тарихи, этнология, археология фанларининг методологик ёндашувларда, типология, технология, морфология ва бошқа тош даври маданиятларини ўрганувчи фан соҳаларида назарий билимларни янада бойитишда фойдаланиши мумкинлигидадир.

Тадқиқот натижалари, умумий хулоса ва тавсияларидан Ўзбекистон тарихи, археологияси ва ибтидоий жамият тарихларини ёритишда фойдаланиш мумкин. Жумладан, диссертация материаллари тош даври коллекцияларини тадқиқ қилишда, таснифлашда, даврлаштиришда ва маданий хусусиятларини аниқлашда тор доирадаги мутахассислар учун қўлланма вазифасини ўташи мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.

“Ўрта Зарафшон воҳаси тош даври маданиятлари (Зирабулоқ топилмажойи материаллари асосида) мавзусидаги диссертация бўйича қўлга киритилган илмий натижалар асосида:

Зирабулоқ топилмажойи тош ашёлари орасида тишсимон элементларнинг постдепозицион ва механик характерга эгаллиги асосида уларнинг ўрта палеолит даври маданиятларининг параллел леваллуа-мустье варианты эканлиги тўғрисидаги маълумотлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги «Ўзбекистон тарихи» телеканалда “Кўҳна манзиллар” телекўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телеканалли” давлат муассасасининг 2022 йил 19 июлдаги 01-06-1138-сон маълумотномаси). Натижалар томошабинларнинг Ўрта Зарафшон воҳаси тош даври тарихи, моддий ва маданий ҳаётига доир янги маълумотларни эгаллашларига хизмат қилган;

Ўрта Зарафшон воҳасидаги ўрта ва сўнгги палеолит даври индустриялари ўртасида техник-типологик ва маданий ворисийликнинг мавжудлиги, шунингдек Зирабулоқнинг илк сўнгги палеолитга оид индустрияси кўп жиҳатдан Ғарбий Европанинг орияк маданияти материалларига ўхшашлиги тўғрисидаги хулосалар, таклиф ва тавсиялардан

маданий меросимизни сақлаш ва уни келажак авлодга бус-бутун етказиш, туризм соҳасини ривожлантириш борасидаги халқаро “Олтин мерос” фонди амалий тадбирларини ўтказишда, истиқболдаги режаларини белгилашда кенг фойдаланилган (Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг 2022 йил 12 июлдаги 01-26-24.06/22-сон маълумотномаси). Натижалар халқимизнинг бой ўтмиш меросимиз тарихига доир янги маълумотларни қўлга киритишга хизмат қилган;

Зирабулоқ аҳолисининг хўжалик тури - овчилик, термачилик шунингдек балиқчилик бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлардан ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институтида 2010-2012 йилларда бажарилган ФА-Ф-1-001-“Қўқон шаҳри ва унинг атрофини археологик ўрганиш” мавзусидаги хўжалик шартномаси асосидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 1 августдаги 3/1255-1803-сон маълумотномаси). Натижалар Ўзбекистон ҳудудида қадимги аҳолининг хўжалик турмуш тарзи тўғрисидаги янги маълумотларни қўлга киритишга хизмат қилган.

Зирабулоқнинг тошга ишлов бериш техникасида, жумладан, қуроллардаги ретушларнинг тартиблилиги, параллеллиги ва тизимлилиги, шунингдек, тош синдириш усуллариининг катта эволюцион ўзгаришларга учраганлиги, шунингдек микропластинкалар ва пластиналарни воситачи ёки эзиш техникаси ёрдамида чакмоқлаб олинганлиги ҳамда тош қуроллари орасида гардишсимон қирғиччалар, конвергент шаклли митти қирғичлар, айрим кесгичлар, геометрик трапеция ҳамда учбурчак қуролларнинг мажмуасидан Самарқанд давлат музей кўрикхонасида ва унинг Пахтачи тумани тарихи филиалида экспозицияларни яратилишида кенг фойдаланилган (Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг 2022 йил 19 июлдаги 02-01/2149-сон маълумотномаси). Натижада музей экспонатлари орасидан жой олган ушбу ашёлар музейга ташриф буюрувчиларга Ўрта Зарафшон воҳасида яшаган аجدодларимизнинг турмуш тарзи, тошга ишлов бериш технологиялари, хўжалиги ва маданий ҳаёти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишларида хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалар 2 та илмий конференция ва семинарларда, шу жумладан: 1 та халқаро илмий-амалий конференцияда ва 20 йилдан ортиқ вақт давомида Ўз ФА Археология институтининг йиллик дала тадқиқот ҳисобот сессияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий ишлар, жумладан, 2 та монография, илмий нашрларда 14 та мақола, улардан 11 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тавсия қилинган ва 3 таси тегишли фан тармоғи ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли ихтисослашган илмий журналларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, уч тилли (ўзбекча-русча-

французча) 16 бетлик археологик терминлар луғати ва иловалардан иборат. Унинг тадқиқот қисми 240 бетни ташкил қилади. Диссертацияга 117 бет (128 та) фото ва чизмалардан иборат иллюстратив албом илова қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, амалий натижалари, нашр этилган илмий ишлари тўғрисида маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг I боби Зирабулоқ топилмажойининг тош индустрияси тадқиқот усуллари деб номланиб, у мавзуни тадқиқ қилиш усулларига бағишланган. Тош индустрияларининг ўрганилиш даражаси кўп жиҳатдан уларни тадқиқ қилишда қўлланилаётган усулларга боғлиқ. Бугунги кунда тош даври артефактларини тадқиқ қилишнинг қатор усуллари ишлаб чиқилган (типологик, технологик, экспериментал, трасологик ва ҳ.к.).

Ушбу боб учта параграфдан иборат ва унинг **1-параграфида** А. де Люмлей томонидан ишлаб чиқилган ва **“Ф. Борд техник-типологик усулининг модернизациялаштирилган системаси”** деб номланган типологик усул батафсил баён қилинган¹⁴.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ф. Борд томонидан ишлаб чиқилган ва ҳозирда ҳам кенг қўлланилиб келинаётган техник-типологик тадқиқот усули вақт ўтиши билан ривожлантирилишга ёки такомиллаштирилишга мухтож бўлиб қолди. Бундай ҳаракат А. де Люмлей томонидан амалга оширилган¹⁵. Ушбу такомиллаштирилган усул илмий жамоатчилик томонидан 1974 йилда Париждаги Одам палеонтологияси институтида қабул қилинган. Ушбу усул тош ашёлар типологиясидан ташқари, уларнинг технологик, морфологик ва бошқа хусусиятларини батафсил қамраб олганлиги ҳамда маълумотлар базасини яратиш имкониятлари билан ажралиб туради.

I Бобнинг **2-параграфи** Ж. Пелигрин томонидан ишлаб чиқилган **“Тошларни чақмоқлашнинг технологик усуллари: оғир, енгил тош ва органик ушатғичлар, воситачи ҳамда эзиш техникалари ёрдамида чақмоқланган тош ашёларни аниқлаш усули”** га бағишланган.

Марказий Осиё палеолитшунослигида тошларни чақмоқлаш усуллари ҳақидаги масала тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолиб келди. Тошларни чақмоқлашнинг энг қадимги усули оғир тош ёрдамида синдириб олиш техникаси хомо хабилислар томонидан кашф қилинган ва бутун тош даври давомида муомалада бўлган.

Сўнгги палеолит даврининг бошланиши билан эса, енгил тош ёки органик ушатғичлар кашф қилинади ва бундай усуллар чақмоқлаб олинадиган йўнилғиларнинг юпқа ва қирралари ўткир ёки стандартлашувини таъминлайди.

¹⁴ Lumley H. de, Lexique de la typologies des industries lithiques. IPH. Paris, 1974. -P. 120.

¹⁵ Сайфуллаев Б.К. Модернизированная система Г. Де Люмлея технико-типологической методики Ф. Борда. ИМКУ №41. Самарканд, 2020. –С. 7-21.

Мезолит даврининг охирларидан тошларни воситачи ёрдамида чақмоқлаш ва неолит давридан эзиш орқали тош синдириш техникалари ихтиро қилинади. Ж. Пелигрин томонидан тилга олинган усуллар ёрдамида тош синдиришнинг аниқлаш мезонлари ҳамда хронологик шкаласи ишлаб чиқилди. Эндиликда ушатғичлар учрамайдиган технокомплексларда ҳам қайси турдаги чақмоқлаш усулларининг қўлланилганлигини аниқлаш имкони туғилди. Бу эса ўз навбатида, маданий қатламлари аралашган топилмажойларнинг тош индустрияларини хронологик комплексларга ажратиш имконини вужудга келтиради¹⁶.

I Бобнинг **3-параграфи** С. Тибуа томонидан ишлаб чиқилган **“морфологик усул: сохта ретуш ва сохта қуролларни аниқлаш”** усулига бағишланди. Бу усул франциялик тадқиқотчи С. Тибуа томонидан ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон-Россия халқаро экспедицияси аъзолари томонидан Тошкент воҳасидаги Кўлбулоқ макони материалларини ўрганишда қўлланилди¹⁷. Тадқиқот натижалари Кўлбулоқда тишсимон мусте фациясини ажратишнинг нотўғрилигини кўрсатди ва бу ўз навбатида Марказий Осиё ғарбий қисми ёдгорликларида ушбу фацияни ажратишни шубҳа остига қўйди¹⁸. Натижада, худудда ўрта палеолитга оид иккита вариантлар: **тешик-тош варианты** – (унинг асосида учириндилар ишлаб чиқариш ётади) ҳамда пластиналар ишлаб чиқарилган **обирахмат варианты** ажратилди¹⁹.

Тишсимон мусте маконларидаги ҳақиқий индустриялар ва сохта ретушли индустриялар орасидаги тафовутни тушунтириб бериш мақсадида С. Тибуа қатор таянч ёдгорликларда тадқиқотлар ўтказди²⁰. Натижада, ушбу фацияга хос ҳақиқий ўрта палеолит ёдгорликлари Ғарбий Франция ва Шимолий Испания каби чекланган географик худудларга тарқалганлиги аниқланди. Улар кислород изотопнинг 3-стадиясига кўра 50-35 минг йилликлар билан саналанган²¹.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Зирабулоқ топилмажойи ўрта палеолит даври комплексининг чақмоқлаш техникаси”** деб номланади.

Зирабулоқ топилмажойининг ўрта палеолит комплексига киритилган умумий коллекцияси 3134 та ишлов берилган тош ашёлардан иборат, шундан нуклеуслар 173 та (9,1 %), учириндилар 2500 та (79,8 %), улардан 1091 таси зарб майдончаларини сақлаб қолган (бу жами учириндиларнинг 43,6 % ни

¹⁶ Сайфуллаев Б.К., Хошимов Х.Б. Тошларни чақмоқлашнинг технологик услублари. Ўзбекистон Археологияси, №2 (17). Самарканд, 2018. –Б. 89-112.

¹⁷ Павленок К.К., Шнайдер С.В., Колобова К.А., Лазарев С.Ю., Раджабов А. «Зубчатое мустье» стоянки Кульбулак: новые данные и интерпретации//Известия Алтайского Государственного университета, 4/1 (84). Барнаул, 2014. –С. 161-168.

¹⁸ Колобова К.А., Флас Д., Дервянко А.П., Павленок К.К., Исламов У.И., Кривошапкин К.И. Кульбулакская мелкопластинчатая традиция в верхнем палеолите Центральной Азии// Археология, этнография и антропология Евразии. №2. Новосибирск, 2013. –С. 54. Кривошапкин А.И. Обирахматский вариант перехода от среднего к верхнему палеолиту: автореф. дис. ...д-ра ист. наук. Новосибирск. 2012. –С. 35.

¹⁹ Кривошапкин А.И. Обирахматский вариант перехода от среднего к верхнему палеолиту: автореф. дис. ...д-ра ист. наук. – Новосибирск. 2012. –С. 40.

²⁰ Thiébaud C. Denticulate mousterian: Myth or Reality? // Middle Paleolithic Human Activity and Paleoecology: New Discoveries and Ideas. Stadia Archeologic XI.I. Wrocław, 2010. –P. 23-25.

²¹ Ўша жойда. –P. 23-25.

ташқил қилади), пластиналар 255 та (8,1 %), тош қуроллар 206 тани (6,6 %) ташқил қилади. Жами йўнилғилар (2706 та) орасида пластиналар – 7,6 % ни ташқил қилади.

II. 1-§. Зирабулоқнинг нуклеуслари. Коллекцияда энг кўп учрайдиган нуклеуслар типи бир зарб майдонли бир юзадан ҳамда бир зарб майдондан периферик тарзда чақмоқланган ўзаклар эканлиги аниқланди (40, 4 %). Кейинги ўринда икки қарама-қарши зарб майдонли бир юзадан чақмоқланган ўзаклар жойлашади (19,6 %). Тўпламда перпедикуляр (2,9 %) ва леваллуа (1,7 %) нуклеуслар кам сонли. Айтиш мумкинки, Зирабулоқда тошларни чақмоқлашда унифасиал ишлов бериш асосий ўрин тутган. Радиал-гардишсимон чақмоқлаш техникаси ҳам ёдгорликнинг индустриясида сезиларли ўрин тутади (16,3 %). Навбатдаги поғонани кўп зарб майдонли чақмоқлаш усули (4,6 %) эгаллайди. Шунингдек комплекснинг нуклеуслари орасида кам сонли ёнлама (2,9 %) ва янада камроқ бифасиал қарама-қарши (1,1 %) тарзда ишлов берилганлари ҳам учрайди.

Зирабулоқнинг нуклеуслари 5 турдаги хом ашёдан ишланган. Улар орасида биринчи поғонани кремний (42,8 %) эгаллайди. Кейинги ўринда сланецнинг кремнийлашган турлари чақмоқлашга жалб қилинган (32,9 %). Кейинги поғоналарни қумтош (13,3 %), кварц (8,7 %) ва жуда кам сонли кремнийлашган охактош (2,3 %) банд қилади.

Ёдгорликнинг тош индустриясида сифатли хом ашёнинг танқислиги ва уни иқтисод қилинганлиги сезилади. Кремнийлашган жинслардан ишланган ўзаклар ҳаддан ташқари, кўпинча сийқаси чиққунга қадар ишлов берилган ва кичик ҳажмларга эга.

II. 2-§. Зирабулоқ топилмажойи ўрта палеолит даври комплексининг учириндилари. Зирабулоқ топилмажойи ўрта палеолитга оид комплекси кўп сонли тош индустриясининг катта қисмини учириндилар ташқил қилади (79,8 %).

Коллекциянинг зарб майдончасини сақлаб қолган учириндилари 9 хилдаги хом ашёлардан ишланган. Улар орасида дастлабки поғонани кремнийлашган сланец эгаллайди (34,1 %). Кейинги ўринларда қумли сланец (23,2 %) ва кремнийлар (жигарранг кремний-20 % ва кулранг кремний-7,3 %) жойлашади. Шунингдек, ушбу учириндилар қумтош (9 %), кремнийлашган охактош (3,7 %) ҳамда кам сонли кварц (1,3 %), яшил кремний (1,1 %) ва ҳатто халцедондан (0,3 %) ҳам ишланган.

Коллекция учириндиларининг сақланиб қолган зарб майдончалари орасида дастлабки поғонани фасеткалаштирилган типдагилари эгаллайди (41 %). Иккинчи поғонани текис зарб майдончали учириндилар банд қилади (26,5 %). Кейинги ўринларда икки фасеткали (13,7 %) ҳамда чизиксимон (12,6 %) зарб майдончали учириндилар жойлашади. Шунингдек зарб майдончалар орасида кам сонли нуктасимон (4 %) шаклдагилари ҳам мавжуд.

Ушбу учириндилар оғир ушатғичлар ёрдамида чақмоқлаб олинган. Уларни чақмоқлашда асосан фасеткалаштирилган, текис ва орқа тарафига

қиялашган зарб майдончалар ҳозирланган. Учириндиларни чақмоқлаш яхшилаб назорат қилинган. Негаки, уларнинг чақмоқланиш бурчаклари асосан 90° га яқин бурчакни ташкил қилади.

Зирабулоқ учириндилари дорсалларининг характери комплексдаги нуклеусларга тўлиқ мос келади. Энг олдинги поғонани дорсаллари уч қиррали (52,2 %) учириндилар эгаллайди. Кейинги ўринни дорсаллари икки қиррали учириндилар (35,5 %) банд қилади.

Дорсалларида учтадан кам бўлмаган йўнилғи негативларига эга параллел-леваллуа типдаги учириндиларнинг устунлиги Зирабулоқнинг ўрта палеолитга оид комплексини параллел-леваллуа маданий фациясига киритиш имконини беради.

II. 3-§. Зирабулоқ топилмажойи техник йўнилғилари. Зирабулоқнинг коллекциясида кам сонли бўлсада, тошларни чақмоқлаш жараёнлари ҳақида маълумот берувчи техник йўнилғилар мавжуд (37 та). Бундай ашёлар орасида қўпорилган шарнирли йўнилғилар (10 та), Сире типдаги аксидентлар (7 та), нуклеусларнинг бортидан чақмоқланган (11 та) йўнилғилар учрайди.

II. 4-§. Зирабулоқ топилмажойи ўрта палеолит даври комплекси пластиналари (255 та). Зирабулоқнинг қумтошдан ишланган леваллуа пластиналари-52 тани ташкил қилади. Улар уч ва икки қирралиларга ажралади. Уч қиррали қумтош пластиналардан 18 таси бутун, 11 таси проксимал, 2 таси медиал ва 3 таси дистал фрагментлардир. Қумтошдан ишланган икки қиррали пластиналар орасида 4 таси бутун, 9 таси проксимал, 4 таси медиал ва 1 таси дистал фрагментлар ҳисобланади.

Зирабулоқнинг коллекциясида қумтошдан ишланган жами 52 та пластиналардан 37 таси зарб майдончаларини сақлаб қолган. Зарб майдончаларининг характери қуйидагича: фасеткалаштирилган-29 та, текис-4 та, чизиқсимон-3 та ва қайроқтош қобиқли-1 та.

Зирабулоқнинг кремнийлардан ишланган пластиналари-62 тани ташкил қилиб, улар ҳам уч ва икки қирралиларга ажралади. Уч қиррали пластиналар орасида бутун (15 та), проксимал (6 та) ва дистал (9 та) фрагментлари ҳам учрайди. Коллекциянинг кремнийлардан ишланган икки қиррали пластиналари орасида 16 таси бутун сақланган, қолганлари проксимал (4 та), медиал (3 та) ҳамда дистал (9 та) фрагментлардан иборат.

Зирабулоқнинг кремнийлашган сланецдан ишланган пластиналари-51 тани ташкил қилади. Улар орасида уч қиррали бутун (6 та), проксимал (2 та), медиал (1 та), дистал (2 та) ҳамда икки қиррали бутун (10 та), проксимал (7 та), медиал (8 та) ва дистал (15 та) бўлаклари учрайди.

Зирабулоқнинг қумли сланецдан ишланган пластиналари 90 тани ташкил қилади. Улар орасида пластиналарнинг уч қиррали дорсалли бутун (20 та), проксимал (13 та), медиал (13 та), дистал (19 та) ҳамда икки қиррали дорсалли бутун (5 та), проксимал (10 та), медиал (10 та) ва дистал бўлаклари учрайди.

Коллекциянинг учириндилари дорсалларидаги йўнилғи негативларининг жойлашувига кўра узунасига субпараллел турдагилар кўпчиликни ташкил қилади.

Шундай қилиб, Зирабулоқда чақмоқлаш техникаси параллел-леваллуа вариантыни ўзида акс эттиради.

Диссертациянинг учинчи боби “**Зирабулоқ топилмажойи ўрта палеолит даври комплексининг тош қуроллари**” деб номланиб, унда топилмажойнинг ўрта палеолит даври тош қуролларининг таснифи келтирилади.

III. 1-§. Леваллуа тиғлар-18 та. Улар биринчи (3 та) ва иккинчи тартиб (15 та) леваллуа тиғларига ажралади. Улардан айримлари дорсал тарафдан ординар ретушлар ёрдамида ишлов берилган ва катта қисмининг дистал учлари синиб қолган. Бу қуролларнинг зарб майдончалари асосан фасеткалаштирилган. Зирабулоқ леваллуа типигаги тиғлари асосан қумтошлардан шакллантирилган.

III. 2-§. Мусте типигаги тиғлар-19 та. Уларнинг барчаси бутун сақланган бўлиб, жигарранг кремний (4 та), кулранг кремний (3 та), яшил кремний (2 та), кремнийлашган сланец (4 та), қумли сланец (3 та) ва қумтошлардан (3 та) ишланган.

Зирабулоқнинг мусте типигаги тиғлари ўзининг кичик ҳажмлилиги билан ажралиб туради ва бу ҳолат уларнинг тиғ сифатида қўлланилганлик эҳтимолини инкор этади. Улар афтидан, кундалик ҳаётда кесувчи-қирғувчи қуроллар сифатида ишлатилган. Бу қуроллардаги ретушлар асосан тик ва ярим тик кўринишда бўлиб, бу уларнинг ҳаддан ташқари интенсив ишлатилганлигидан далолат беради.

III. 3-§. Қирғичлар-84 та. Зирабулоқнинг коллекциясида жами 84 та оддий ва мураккаб қирғичлар, айрим қирғичлар билан композитлашган исканасимон (3 та) қуроллар аниқланди. Зирабулоқда қирғичларнинг беш хил тури ишлаб чиқарилган. Агар тўпламнинг мураккаб қирғичларини оддий типларга ажратсак 90 та оддий қирғич қуролларга эга бўламиз. Улар орасида *оддий узунасига ишлов берилган қирғичлар (31 та), оддий кўндалангига ишлов берилган қирғичлар (25 та), иккиёқлама узунасига-кўндалангига ишлов берилган қирғичлар (10 та), дежете типигаги қирғичлар (7 та) ва иккиёқлама узунасига ишлов берилган қирғичлар (11 та)* мавжуд.

Қирғичлар учириндилардан ишланган ва ретушлаш асосан дорсал тарафдан амалга оширилган. Уларнинг энг кўпи кулранг-жигарранг кремнийлардан (38 та) ясалган. Қумли (14 та) ва кремнийлашган (15 та) сланецлардан қирғичлар деярли бир хил нисбатда. Кейинги поғонани кўк-яшил кремнийлардан ишланган қирғичлар эгаллайди (9 та). Шунингдек кам сонли қирғичлар кварц (3 та), қумтош (2 та), кремнийлашган охактош (2 та) ва ҳатто халцедондан (1 та) ҳам ясалган.

Ретушларининг характериға кўра, асосий ўринларни ординар (49 та) ҳамда юпқа ботиқ (41 та) типдагилар эгаллайди. Кейинги поғоналарни тангасимон (14 та) ва микроретушлар (8 та) банд қилади.

Коллекция қирғичларининг айримларини иш қирралари механик характердаги сохта ретушлар туфайли бузилган, яъни ушбу қирралардаги регуляриликка ёки тизимлиликка шикаст етган. Тановорларнинг қирраларидаги ретушлар асосан дорсал тарафдан амалга оширилган.

III. 4-§. Ретушланган пластиналар- 14 та. Бу пластиналар ёнлама (8 та) ва иккиёнлама (6 та) ретушланган. Улар асосан жигарранг кремнийдан ишланган (9 та), шунингдек ретушланган пластиналар орасида қумли сланец (2 та), кремнийлашган сланец (1 та), кремнийлашган охактош (1 та) ва қумтошдан (1 та) ишланганлари ҳам учрайди. Бу пластиналардан 4 таси зарб майдончаларини сақлаб қолган (2 та текис ва 2 та фасеткалаштирилган), битта холатда пластинанинг зарб майдончаси ретушланиб, модификация қилинган. Ушбу ашёлардан 3 таси бутун, 7 таси дистал, 1 таси проксимал ва 3 таси медиал фрагментлар ҳисобланади. Дорсалларининг характерига кўра, уларнинг барчаси субпараллел негативларга эга. Дорсалларида узунасига бир йўналишда (9 та), узунасига қарама-қарши (4 та) ва перпендикуляр (1 та) характердаги йўнилғи негативларини сақлаб қолган. Дорсалларидаги йўнилғи негативлари сони 1 тадан 9 тагача оралиқда.

Ретушларининг жойлашувиға кўра, ушбу ашёлар фақат битта холатда вентрал, қолган холатларда дорсал тарафга йўналтирилган ретушларга эга.

Умуман, Зирабулоқнинг ретушланган пластиналари асосан субпараллел равишда чакмоқлаб олинган ва баъзан конвергент дорсаллилари ҳам учрайди. Тадқиқ қилинган 14 та ретушланган пластиналардан тенг ярми (7 таси) леваллуа типидеги йўнилғилар ҳисобланади. Зирабулоқда пластиналар бир зарб майдонли нуклеуслардан узунасига ёки икки зарб майдонли ўзаклардан узунасига-қарама-қарши усулларда чакмоқлаб олинган. Топилмажойда асосан дорсал тарафдан ретушлаш амалиёти устун бўлган, фақат битта холатда ретушлаш вентрал тарафдан амалга оширилган. Зирабулоқнинг ретушланган пластиналарининг катта қисми фрагментлашган ва бу холат уларни ишлатиш жараёнида юз берган. Айрим пластиналарнинг қирраларида постдепозицион характердаги сохта ретушлар ва анкошлар учрайди. Бу холат ушбу ашёларнинг транспортировкага учраганлигидан далолат беради.

III. 5-§. Қайроқтош қобикли пичоқлар-9 та. Қумтошдан ишланган пластиналар орасида дорсалларида қайроқтошли қобигини сақлаб қолганлари ҳам мавжуд (16 та). Улардан 1 тасининг дорсали тўлиқ, 1 та холатда дорсалининг 50 % дан ортиғи қайроқтошли қобик билан қопланган. Қолган 14 пластиналарнинг дорсалларидаги қайроқтошли қобик қолдиқлари 50 % дан камроқ қисмини эгаллаган. Бу пластиналардан 9 таси типологик жиҳатдан қайроқтош қобикли пичоқлар қаторига киритилиши мумкин. Ушбу пичоқлардан 5 таси ўнг ва 4 таси чап латерал иш қирраларига эга. Шунингдек, улардан 5 таси бутун, 2 таси проксимал ва 2 таси дистал фрагментлар ҳисобланади.

III. 6-§. Қирғиччалар - 43 та. Зирабулоқнинг мусте комплексига киритилган қирғиччалари учириндилардан ишланган ва улардан 9 таси

узунчоқ шаклларга эга. Учириндилардан 10 тасигина зарб майдончаларини сақлаб қолган. Қирғиччаларни тайёрлашда хом ашё сифатида кремний (28 та), сланец (7 та), кремнийлашган охактош (6 та) ҳамда кварцлардан (2 та) фойдаланилган. Типологик жиҳатдан қирғиччалар қуйидаги вариантларга бўлинади: *Йўнилғи учларида шакллантирилган қирғиччалар (18 та)*; *йўнилғи учларида қия ишланган қирғиччалар (3 та)*; *ёнлари ретушланган йўнилғи учларида шакллантирилган қирғиччалар (8 та)*; *ёнлама қирғиччалар (10 та)*; *периметрининг 3/4 қисми ретушланган қирғиччалар (3 та)*; *абри каминад типидagi қирғичча (1 та)*.

III. 7-§. Тош бигизлар - 12 та. Улар проксимал қисми синган пластинадан (1 та), тош синиқларидан (2 та) ва учириндилардан (9 та) шакллантирилган. Учириндилардан 4 таси зарб майдончаларини сақлаб қолган ва яна 4 тасининг проксимал қисмлари синиқ, 1 та ҳолатда эса зарб майдонча вентрал тарафдан майда ретушлаш ёрдамида модификацияланган. Хом ашё таркибига кўра бу бигизлар кремнийдан (9 та), сланецдан (1 та), қумтошдан (1 та) ва кварцдан (1 та) ишланган. Бигизларнинг йўнилғи томонларида локализациялашганлигига кўра тўпلامда *ўртанча бигизлар (5 та)*, *бурчак бигизлар (6 та)* ва *ёнлама бигизлар (1 та)* учрайди. Шунингдек, коллекцияда 2 та иккиёқлама “шале” типидagi тош бигизлар ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, тош қуролларнинг нисбатан кам сонлилигига қарамадан Зирабулоқнинг ушбу коллекциясидаги қуроллар типологик таркибининг турли-туманлиги билан қизиқарлидир. Ёдгорликнинг қуроллари орасида 9 хил асосий типлари аниқланди ва улар 35 та типости турларига ажралади.

Зирабулоқнинг ўрта палеолит даврига оид комплекси қуйидаги мезонлар асосида ажратилди: Тош қуролларнинг ташқи патина билан қопланганлиги; йўнилғи-тановорланинг оғир ушатғич ёрдамида чакмоқланганлиги; қуролларнинг иш қирраларидаги ретушларнинг тартибсизлиги ва субпараллеллиги; ўрта палеолит даврини характерловчи умумқабул қилинган тош қуроллар типларининг мавжудлиги; сўнгги палеолит даврида кенг тарқаладиган ва такомиллашадиган тош қуроллар синфининг (қирғиччалар, тош бигизлар) атипиклиги.

Диссертациянинг тўртинчи боби **Зирабулоқ топилмажойи сўнгги палеолит даври комплекси** деб номланиб, унда кўрсатилган комплекснинг артефактларининг батафсил таҳлили келтирилади.

IV 1-§. Зирабулоқнинг сўнгги палеолит даври комплекси нуклеуслари. Зирабулоқ топилмажойи коллекциясидан ишланиш техникаси ва сақланиш даражасига кўра сўнгги палеолит даврига оид комплекс ажратилди. Коллекцияда енгил ушатғичлар ёрдамида чакмоқлаб олинган пластиналар мавжуд. Бу пластиналар призматик, бир ёки икки зарб майдонли ўзаклардан чакмоқлаб олинган.

Ёнлама (торцовые) нуклеуслар-5 та. Ушбу гуруҳга тор зарб майдондан тановорнинг энсиз томонларидан узунаси бўйлаб чамоқланган ўзаклар киритилди. Улардан айримларидан микропластинкасимон

йўнилғилар чакмоқлаб олинган. Адабиётларда бу типдаги ўзаклар нуклеус-кесгичлар деб аталади ва сўнгги палеолит даврini характерлайди.

Кўрсатгич бармоқ типдаги нуклеуслар-8 та. Зирабулоқнинг коллекциясида палеолитшуносликда янги ўзак тошларнинг типи аниқланди. Бундай нуклеуслар “ўзинга торт” (“на себя”) туридаги тош пичокларни чакмоқлаб олиш учун олдиндан (нуклеусларнинг пастки учлари қия йўнишлар ёрдамида синдирилган) тайёрланган концептуал тош синдириш техникасини намоён қилади. Бундай ўзаклар «Зирабулоқ типдаги чакмоқлаш усули» ёки “Зирабулоқ типдаги нуклеуслар” деб, улардан ҳосил қилинган тановорларни (баъзан кирраларидан бири ретушланган ва кўрсатгич бармоқда ушлашга мўлжалланган йўнилғиларни) эса, “Зирабулоқ типдаги кўрсатгич бармоқ пичоқлари”, деб номладик.

Дунё палеолитшунослигида нуклеусдаёқ кўзда тутилган тош пичоқлар Франциядаги Биз (*couteaux de Bize*) ёдгорлигидан топилган ва улар шу ном билан луғатларга кирган. Бироқ улар кирраларидан бири тўлиқ ўтмаслаштирилган пичоқлардир²².

IV 2-§. Зирабулоқнинг сўнгги палеолит даври комплекси йўнилғилари.

Леваллуа тиглар-4 та. Ушбу тоифага энгил ушатғич ёрдамида чакмоқлаб олинган узунчоқ ҳажмли леваллуа тиглар киритилди. Бу ашёларнинг барчаси иккинчи тартиб леваллуа тиглар ҳисобланади.

Леваллуа пластиналар-7 та. Ушбу пластиналар асосан энгил ушатғичлар ёрдамида чакмоқлаб олинган, профиллари қайрилган ва дорсалида иккитадан зиёд субпараллел йўнилғи негативларига эга. Бу пластиналарнинг айримлари дорсалида ёнлама леваллуа тайёрлов негативларини ҳам сақлаб қолган. Аксарият пластиналар фрагментлашган.

Пластиналар-12 та. Зирабулоқнинг сўнгги палеолитга оид комплексида леваллуа бўлмаган, бироқ ишланиш техникаси ва сақланиш даражасига кўра шу даврга оид деб топилган пластиналар ҳам учрайди²³. Улар бутун (2 та), проксимал (2 та), медиал (2 та) ҳамда дистал (6 та) пластиналар бўлаклари ҳисобланади. Бу пластиналар ҳам энгил тош ушатғичлар ёрдамида чакмоқлаб олинган ва айримлари зарб майдончасининг ўйилишига учраган.

Ретушланган пластиналар-3 та. Улар тизимли юпка ва микроретушлар ёрдамида ишлов берилган. Бу пластиналар энгил тош ушатғичлар ёрдамида чакмоқлаб олинган. Улардан айримлари фрагментлашган.

Шундай қилиб, Зирабулоқ топилмажойи пластиналари орасида асосий ўринни леваллуа типдаги пластиналар эгаллайди. Тўпلامдаги пластиналарнинг деярли барчаси энгил тош ушатғичлар ёрдамида

²² Lumley H. De. Le Paleolithique inferieur et moyen du Midi mediterraneen dans son cadre geologique, Vol. I: Ligurie, Provence: Vol. II: Bas-Languedoc, Roussillon, Catalogne. Callia prehistoire Supplement 5. CNRS. Paris, 1971. -P. 130.

²³ Сайфуллаев Б., Турсунов О., Бердикулов М. Зирабулоқ топилмажойи сўнгги палеолит даври комплекси пластиналари. Хоразм маъмун академияси ахборотномаси. Хива, 2021. –С. 269-272.

чақмоқланганлик белгиларига эга. Пластиналар орасида уларнинг фрагментлари ва айрим ретушланганлари ҳам учрайди. Шунингдек айрим пластиналар механик ретушларга ҳам эга²⁴.

Зирабулоқнинг сўнгги палеолит даври комплекси техник йўнилғилари-7 та. Коллекциянинг техник йўнилғилари орасида таблетлар (5 та) ва дорсаллари крестлашган негативи (2 та) учириндилар мавжуд.

IV. 3-§. Зирабулоқнинг сўнгги палеолит даври комплекси тош қуроллари.

Исканасимон қуроллар-17 та. Бу типдаги қуроллар орасида йўнилғи дисталида дорсал (1 та) ва вентрал (3 та) тарафлардан, йўнилғиларнинг проксималида дорсал (3 та) ва вентрал (2 та) тарафлардан ҳамда иккиёклама дорсал (2 та) ва иккиёклама вентрал (2 та) тарафлардан ишлов берилганлари мавжуд. Улар йўнилғиларнинг энсиз кўндаланг томонларида тик йўнишлар ва ретушлар ёрдамида шакллантирилган.

Қирғиччалар - 19 та. Зирабулоқнинг сўнгги палеолит комплекси қирғиччалари учириндилардан ишланган ва улардан 2 таси зарб майдончаларини сақлаб қолган. Қирғиччаларни ясашда кремний (9 та), сланец (3 та), кремнийлашган охактош (6 та) ва обсидиандан (1 та) фойдаланилган. Типологик жиҳатдан ушбу қирғиччалар қуйидаги вариантларга ажралади: *ён қирралари ретушланган кўндаланг қирғиччалар (5 та), қалин типли (каране) қирғиччалар-(5 та), тумшуқли қирғиччалар (амюзо-3 та), қиррасининг 4/3 қисми ретушланган кўндаланг қирғиччалар (5 та) ва юмалоқ қирғиччалар (1 та).* Улар учириндилардан тик, субпараллел ва параллел ретушлар ёрдамида ишлов берилган ва сўнгги палеолит даврининг илк босқичларини характерлайди.

Кесгичлар - 11 та. Уларнинг барчаси ўрта ҳажмли учириндилардан шакллантирилган бўлиб, 7 таси кремний, 2 таси сланецдан ва биттадан кремнийлашган охактош ҳамда кварцлардан ишланган. Учириндилардан 6 тасининг зарб майдончалари синган, 4 та ҳолатда улар зарб майдончаларини сақлаб қолган ва биттасининг зарб майдончаси кесгичга айланттирилган. Типологик жиҳатдан ушбу қуроллар қуйидаги вариантларга ажралади: *икки қиррали кесгичлар (4 та), икки қиррали ўртанча кесгич (1 та), қия кесгич (1 та), юпқа ретушли узунасига ишланган кесгичлар (3 та) ҳамда юпқа кўндаланг кесгичлар (2 та).*

«Кўрсатгич бармоқ» типдаги тош пичоқларнинг Зирабулоқ варианты. Айрим луғатларда тош даврига оид тош пичоқларнинг 17 хил турлари санаб ўтилган²⁵, М. Брезийоннинг луғатида эса бундай пичоқларнинг 26 турига таъриф берилган²⁶. “Курсатгич бармоқ” типдаги

²⁴ Ўша жойда. –С. 269-272.

²⁵ Васильев С.А., Бозински Г., Бредли Б.А., Вишняцкий Л.Б., Гиря Е.Ю., Грибченко, Ю.Н., Желтова М.Н., Тихонов А.Н. Четырехязычный (русско-англо-франко-немецкий) словарь-справочник по археологии палеолита. СПб., М., 2007. -С. 153-154.

²⁶ Brezillon Michel. La denomination des objets de pierre taille. Matériaux pour un vocabulaire des préhistoriens de langue française. IV -supplement a Gallia Préhistoire. CNRS. Paris, 1983. -P. 198-203.

тош пичоқлар Ўзбекистоннинг палеолит²⁷ ва Кавказнинг мезолит даври ёдгорликларида ҳам аниқланган²⁸. Бироқ, бу ашёлар йўнилғи-тановорлар нуклеусдан чақмоқлаб олинганидан кейингина дистал учларини қия синдириш ёрдамида бундай пичоқларга айлантирилган ва сўнгра, қирраларига ретуш берилган.

Зирабулоқнинг кўрсатгич бармоқ пичоқлари чап (5 та) ва ўнг (6 та) қўлга мўлжалланган турларга ажралади. Бунда биз С. А. Семеновнинг бундай пичоқлар қўлланилаётган пайтда йўнилғиларнинг анча текис вентрал тарафи ишлов берилаётган материалга қаратилганлиги ҳақидаги мезонига²⁹ асосландик. Ушбу пичоқлар қумли сланец (11 та), жигарранг кремний (5 та), қумтош (5 та), кремнийлашган сланец (2 та) ва кулранг кремнийлардан (1 та) ишланган. Уларнинг барчаси узунчоқ пластина ёки учириндилардан шакллантирилган ва айримларининг қирралари қўшимча ретушланган.

Функционал жиҳатдан бундай пичоқлар балиқни тангачалардан тозалашда ишлатилган. Эҳтимол, Кавказнинг мезолит даврига оид Фатма-Коба ғорида бўлгани каби Зарафшон дарёси ва булоқ бўйида сўнгги палеолит даврида яшаган Зирабулоқни ибтидоий аҳолисида ҳам примитив балиқчилик хўжалиги мавжуд бўлган.

Коллекциянинг тош қуроллари турли хил (9 хил) тош жинсларидан ишланган. Бироқ, кўпроқ эътибор кремнийлашган жинсларга қаратилган. Улар орасида бир дона обсидиандан ишланган қирғиччанинг мавжудлиги Ўзбекистон палеолитида илк маротаба учрамоқда ва у Зарафшон дарёси орқали қўшни Туркистон тоғларидан оқиб келган.

Диссертациянинг бешинчи боби “**Зирабулоқ топилмажойи мезолит даври комплекси**” деб номланиб, унда кўрсатилган комплекснинг артефактларининг батафсил таҳлили келтирилади.

V. 1-§. Зирабулоқ топилмажойининг мезолит даври комплексида тошларни чақмоқлаш техникаси. Ишланиш техникаси ва сақланиш даражасига кўра Зирабулоқ топилмажойи коллекциясида мезолит даврига оид комплекс ажратилди.

Коллекцияда леваллуа (2 та), призматик ҳамда микронуклеуслар (21 та) аниқланди. Бу микронуклеусларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: а) *конуссимон микронуклеуслар (14 та)*; в) *бир юзадан чақмоқланган икки қарама-қарши зарб майдонли микронуклеуслар (2 та)*; г) *микротирапидал нуклеус (1 та)*; д) *учириндидан ишланган микронуклеус (1 та)*; е) *қозиксимон микронуклеус (1 та)*. Қозиксимон нуклеуснинг зарб майдони фасеткалаштирилган ва орқа тарафига бироз қиялаштирилган. Нуклеусдан узунасига-субпараллел равишда пластинкалар ва микропластинкалар чақмоқлаб олинган. Аммо, ушбу йўнилғи негативларининг барчаси ҳам ўзакнинг пастки учигача етиб келмасдан синиб қолган. Нуклеуснинг пастки

²⁷ Сулейманов Р. Х., Майкл Г. Грот Ангиллак на территории Кашкадарьинской области // Археологические исследования в Узбекистане 2002 г. Ташкент, 2003. -С. 17-23.

²⁸ Семенов С. А. Первобытная техника (Опыт изучения древнейших орудий и изделий по следам работы) // МИА. №54. М., -Л., 1957. -С. 128.

²⁹ Семенов С.А. Первобытная техника/МИА 151. М., 1958. -С. 138.

учи орқа тарафдан кўндаланг йўнишлар ёрдамида юпқалаштирилган ва бу уни эҳтимол, ёғоч мосламага ўрнатиш учун амалга оширилган. Нуклеус воситачи ёрдамида чақмоқлаб олинган ва бу ҳақда йўнилғиларнинг контрзарб тепаликлари ўрни ҳамда дистал учи қайрилган негативлар гувоҳлик беради.

Коллекцияда шунингдек ҳаддан ташқари ишлов берилган нуклеуслар туркуми аниқланди.

Коллекцияда бир дона микронуклеус билан комбинациялашган микроқирғичча ҳам учрайди.

Енгил ушатғич ёрдамида чақмоқланган пластиналар-13 та. Коллекцияда ишланиш техникаси ва сақланиш даражасига кўра Зирабулоқнинг бошқа тўпламлари тош ашёларидан ажралиб турадиган пластиналар туркуми аниқланди. Улар мезолит даври комплексига киритилди. Ушбу пластиналар қора рангли қумтош (4 та), жигарранг кремний (2 та), кремнийлашган (3 та) ва қумли сланецлар (2 та), кулранг кремний (1 та) ҳамда обсидиандан (1 та) ишланган. Улар бутун (7 та), проксимал (1 та), медиал (2 та) ва дистал (3 та) пластиналарга ажралади. Уларнинг профиллари қайрилган ва аксарияти зарб майдончасининг ўйилишига учраган.

Воситачи ёрдамида чақмоқланган пластиналар-9 та. Улар қумтош (1 та), кулранг кремний (2 та), халцедон (1 та), кремнийлашган сланец (1 та), қумли сланец (1 та) ва жигарранг кремнийлардан (3 та) ишланган. Улар ўта юпқалиги ва профилида дистал қисмларининг қайрилганлиги билан ажралиб туради.

Эзиш техникаси ёрдамида чақмоқланган микропластинкалар-2 та. Тўпламда эзиш техникаси ёрдамида чақмоқлаб олинган иккита микропластинкалар мавжуд.

Шундай қилиб, Зирабулоқ топилмажойи коллекциясидан сақланиш даражаси ва ишланиш техникасига кўра мезолит даврларига оид комплекс илк маротаба ажратилди. Коллекцияда пластина ва микропластиналар қўлга киритиш мақсадида турли услубларда чақмоқланган нуклеуслар учрайди. Ёдгорликнинг ушбу комплексида енгил ушатғич, воситачи мослама ва эзиш техникалари ёрдамида пластиналар синдириб олиш кенг қўлланилган.

V. 2-§. Зирабулоқ топилмажойи мезолит даври комплекси тош қуроллари. Зирабулоқнинг мезолит даври комплексида жами 20 та тош қуроллар аниқланди. Улар асосан кремний ва кремнийлашган тош жинсларидан ишланган. Мезолит даври комплексига киритилган тош қуроллар орасида бир дона ординар кесгич (1 та) ва иккита ярим юмалоқ қирғиччалар (2 та), биттадан геометрик учбурчак, шохли трапеция ва кичик ҳажмли конвергент қирғичлар туркуми (15 та) ҳам аниқланди. Қирғичлар турли туслардаги кремнийлардан ишланган. Уларга микроретуш (7 та), ординар (4 та), юпқа (3 та) ва тишсимон (1 та) ретушлаш ёрдамида ишлов берилган.

Зирабулоқнинг мезолитга оид коллекциясидан пластина ва микропластиналар қўлга киритиш мақсадида турли услубларда чақмоқланган нуклеуслар, айрим кесгичлар, қирғиччалар ва тош куракчалар учрайди. Бироқ тўпламнинг тош ашёлари орасида асосий ўринни кичик ҳажмли конвергент қирғичлар эгаллайди.

VI БОБ. Зирабулоқ топилмажойи тош индустриясининг маданий-даврий хусусиятлари.

VI. 1-§. Ўрта палеолит даври (мусте) комплекси. Ёдгорликларни қиёслашда фойдаланиладиган марказий тушунчалардан бири – локал маданият ҳисобланади. Ушбу тушунча А.Н. Рогачев томонидан кейинги даврлар археологиясидан кўчириб олинган³⁰. Ибтидоий археологияда маданият деганда, одатда, маконда ва замонда чегараланган, инвентарига кўра қўшни ҳудудлардаги синхрон объектлардан сезиларли фарқ қиладиган ўхшаш ёдгорликлар гуруҳи тушунилади. Маҳаллий маданият кўринишининг хусусияти қадимги одамларнинг у ёки бу жамоасининг ўзигагина хос бўлган тош қуроллар яшаш услуби ҳамда анъаналарини маълум тизимининг мавжудлиги билан белгиланади.

Археологик маданиятни аниқлашнинг бир нечта мезонлари мавжуд. Ф. Борд концепциялари тарафдорлари маданиятга ажратишнинг асосини индустриялар характеристикасининг барча томонларини қамраб олишини ёқлайдилар. Маданиятнинг ушбу типологик-статистик талқинига кўра ёдгорликнинг у ёки бу маҳаллий гуруҳга хослигини аниқлаш учун қуроллар категорияларидан, чақмоқлаш техникасининг умумий параметрларидан то ашёларнинг ўзига хос шакллариғача бўлган инвентарларнинг барча характеристикалари фоиз нисбатлариғача намоён бўлиши лозим. Аммо, палеолитшунослик амалиёти ва этноархеологик маълумотларнинг кўрсатишича, артефактлар синфларининг микдорий нисбат кўрсаткичлари палеолит даври ёдгорликларини ҳамиша ҳам маданиятларга ажратиш учун яроқли эмас. Бундай кўрсаткичлар кўп жиҳатдан, бутун бир ёдгорлик ёки унинг айрим майдонларида олиб борилган хўжалик фаолиятлари билан боғлиқ. Қуроллар таркиби ўтмишнинг реал ҳаётидаги “археологик кўринишнинг” номутаносиблигини акс эттиради. Масалан, комплексларда қадимги одамларни маълум бир гуруҳи томонидан кўпроқ қўлланилган ашёлар эмас, балки тез-тез синиб қолиши натижасида, ташлаб юбориладиган ашёлар кўпчиликини ташкил қилиши мумкин. Аксинча, тайёрланиши мураккаб бўлган қуроллар кўпроқ, яхшироқ қадрланган ва узоқроқ сақланган, зарурат туғилганда эса қайта шакллантирилиб, қўшимча ишлов берилган. Бундай топилмалар археологик комплексларда жуда кам учрайди. Аммо, конкрет жамоага хос бўлган ишлов бериш “усули” айнан ана шундай ашёлар кўринишида кўпроқ намоён бўлади.

Г.П. Григорьев томонидан маҳаллий маданиятга алтернатив равишда индустрияларни таснифлашнинг варианты сифатида “таракқиёт йўли”

³⁰ Аникович М. В. Методология археологии и новые подходы к изучению верхнего палеолита Евразии: Избранные лекции по археологии палеолита. — ISBN 978-5-94356. Новосибирск, 2010. -С. 54.

тушунчаси киритилган³¹. Тараққиёт йўлларига ажратиш тош инвентарларда маълум қуроллар гуруҳининг бирга учрашига асосланади. Тараққиёт йўллари экстерриториалдир. Уларни ажратишнинг негизида тош индустриялар тараққиётининг конвергентлиги тамойили ётади. Турли вилоятларда одамлар гуруҳлари бир-биридан беҳабар ҳолатда, бир хил технологик қарорлар қабул қилганлар. Ўрта палеолит даври учун Ф. Борднинг ўлчамларига Г.П. Григорьев томонидан понтий мустеси (қайроқтошли ва қайроқтошли-учириндили қуроллари) ва қўл чўқморчали мусте вариантлари қўшиб қўйилган³².

Ўрта Осиёда мусте даври ёдгорликларини иккита маданий-генетик – А ва Б гуруҳларига ажратиш қабул қилинган. Биринчи гуруҳ ёдгорликлари Олдосиё индустриялари билан, иккинчиси эса – Шарқий Осиё ёдгорликлари билан ўхшаш элементларга эга. Бу гуруҳлар ичида бир қатор вариантлар ажратилган³³. Бунда тадқиқотчилар турли мезонларга асосланганлар. Масалан, В.А. Ранов, Ўрта Осиё мустеси фацияларини ёки техник вариантларини ажратишда биринчи навбатда техник белгиларга таянади. Унинг томонидан қуйидаги вариантлар ажратилган³⁴: Леваллуа варианты (Хожикент, Жар-Қўтон, Оби-Рахмат) - параллел йўнилган нуклеусларнинг устунлиги ва радиал ўзаклар шакллариининг ўта камлиги, пластиналар индексининг юқори фоиздалиги, тайёр қуролларнинг камлиги билан характерланади; леваллуа-мусте варианты (Қайроқ-Қум, Тоссор, Фарғона ёдгорликлари, Худжи) - юқоридаги вариантга яқин, унда параллел ва гардишсимон ўзаклар бир хил нисбатда, пластиналар индекси юқори. Қуроллар орасида қирғичлар кўпроқ, тиғлар, тишсимон-кертикли қуроллар, қирғиччалар, кесгичлар ва ҳ.к.лар анча кам сонли; типик мусте варианты, кейинчалик тоғли мусте деб ном берилган (Тешик-тош, Семиганч, Оғзи-Кичик ва б.), Европа ва Осиёнинг қатор типик мустесига ўхшаш. Радиал ўзаклар кўпчиликини ташкил қилади. Аввалги вариантларга қиёслаганда пластиналар индекси кичик. Қуроллари орасида қирғичлар кўпроқ, тиғлар, ўткир тиғли қуроллар, қирғиччалар, кесгичлар, пичоқлар ва кам сонли лимаслар учрайди; мусте-соан варианты (Қора-Бура, Георгиевский Бугор) аморф радиал ўзаклар устунлик қилади. Пластиналар нисбати кам. Қалта ва массив учириндилар кенг тарқалган. Қуролларининг учдан бир қисмини чопперлар ва чоппинглар ташкил қилади. Тиғлар, ўткир тиғли қуроллар, қирғичлар, пичоқлар, атипик қирғиччалар ва кесгичлар учрайди; тишсимон вариант (Кўлбулок), аввалгиларидан фарқли равишда М.Р. Қосимов

³¹ Григорьев Г.П. Начало верхнего палеолита и происхождение Homo sapiens. Л., 1968. -С. 120.

³² Григорьев Г.П., Ранов В.А. О характере палеолита Средней Азии // Тезисы докладов сессии, посвященной итогам полевых археологических исследований 1972 года в СССР. Ташкент, 1973. -С. 55.

³³ Сулейманов Р.Х. Грот Оби-Рахмат и математико-статистическая гипотеза Обирахматской культуры. Автореф. дисс. канд. ист. наук. Л., 1968. -С. 18.

³⁴ Ранов В.А. Основные черты периодизации палеолита Средней Азии // Палеоэкология древнего человека. М., 1977. -С. 89.

томонидан турли хилдаги тишсимон-керткли қуролларнинг устунлигига кўра ажратилган³⁵.

Кейинчалик, концепциясига В.А. Ранов томонидан қуйидаги тўғрилашлар киритилган: леваллуа-мусте фациясига Худжи ёдгорлиги ҳам киритилган³⁶, мусте фациясига - Кўтирбулок³⁷. З.А. Абрамова Палеолит СССР китобининг Ўрта Осиёга бағишланган бўлимида биринчидан, Обирахмат ғорини мусте фациясига киритишни³⁸; иккинчидан, Қоракамар ва Хўжағор фацияларини ягона гуруҳга бирлаштиришни; учинчидан, ҳудуднинг сўнгги палеолити учун мусте даври қатламлари индустрияси ўзининг типологик кўринишини "қисман" сақлаб қолган Кўлбулок фациясини ажратиш таклиф қилинади³⁹.

В. А. Рановнинг шахсий қарашлари⁴⁰ Л. Б. Вишняцкий томонидан танқид қилинди ва етарлича асосланмаганлиги ҳақидаги хулосага келишига асос бўлди⁴¹. Таъкидлаш жоизки, В.А. Рановнинг ушбу схемаси кейинчалик кучлироқ асосланмади ва аксиома сифатида сақланиб қолди.

Р.Ҳ. Сулаймонов ҳам В.А. Рановнинг концепциясини танқид қилиб чикди, негаки, «биринчидан, (В.А. Ранов) кўплаб хусусиятларнинг биргаликда келишини ҳисобга олмаган ва иккинчидан, бу концепция Ўрта Осиёнинг мусте даври ёдгорликларини ички гуруҳларга аниқ ажратиш имконини бермайди»⁴². Аммо уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз таснифларининг асосига учта мезонни – леваллуа, пластиналар ва тишсимонлик индексларини қўяди ҳамда ҳар иккаласи ҳам Ф. Борднинг техник-типологик услубидан фойдаланади. Бироқ, Р. Ҳ. Сулаймонов уни математик, яъни Робинсон ва Пирсонларнинг статистик мезонлари билан бойитди. Шунингдек, Р. Ҳ. Сулаймонов маданиятни ўрта палеолитдан (Омон-Кўтон) сўнгги палеолитгача (Обирахмат ғорининг юқори қатламлари) бўлган диапозонда динамик ривожланишда кўриб чиқади.

Р.Ҳ. Сулаймонов томонидан иккита маданий анъана ажратилган: тишсимон⁴³ – унга Кўлбулок, Бўзсув ёдгорликлари ва ўзига хос (Обирахмат)

³⁵ Касымов М.Р. Культуры и варианты палеолита Узбекистана // Каменный век Средней Азии и Казахстана. Ташкент, 1972. -С. 78. Касымов М.Р. Проблемы палеолита Средней Азии и Южного Казахстана. Автореф. дисс. докт. ист. наук. Новосибирск, 1990. -С. 40. Касымов М.Р. О проблемах изучения палеолита на территории Средней Азии и Южного Казахстана // ОНУ, № 9, Ташкент, 1990а. С. 12.

³⁶ Ranov V.A. Zentralasien // Neue Forschungen Altsteizeit. Berlin. 1984. –P. 85-96.

³⁷ Ўша жойда. –P. 86.

³⁸ Абрамова З.А. Ранний палеолит Азиатской части СССР // Палеолит СССР. – Наука, М., 1984. –С. 135-161.

³⁹ Абрамова З.А. Поздний палеолит Азиатской части СССР // Палеолит СССР. – Наука, М., 1984а. –С. 304-308.

⁴⁰ Ранов В.А. К изучению мустьерской культуры в Средней Азии // Материалы и исследования по археологии СССР. – № 173. М., 1971. -С. 127.

⁴¹ Вишняцкий Л.Б. Изучение палеолита Средней Азии (материалы, методы, концепции) // Советская Археология № 1. Наука, М., 1989. -С. 11-13.

⁴² Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. –ФАН, Ташкент, 1980. -С. 74.

⁴³ Р.Ҳ. Сулаймонов ажратган тишсимон анъана М.Р. Қосимовнинг Кўлбулок маконида амалга оширган тадқиқотларига асосланган.

маданиятга – Обирахмат, Тешик-тош, Хўжакент, Жанубий Фарғонанинг ўрта палеолит даври ёдгорликлари киритилган⁴⁴.

Обирахмат маданиятини Р.Х. Сулаймонов динамик тараққиётда кузатади. Обирахмат маданиятининг Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги ёдгорлиги Тешик-тош бўлиб, ушбу анъананинг якуний бўғини Обирахмат ҳисобланади.

Кейинчалик, 1980 йилда Н.Х. Тошкенбоев ҳамда Р.Х. Сулаймоновлар томонидан Зарафшон воҳасининг ўрта палеолитга оид ёдгорликлари: Қўтирбулоқ, Зирабулоқ, Омон-Қўтон ва Такалिसой алоҳида тараққиёт йўналишига киритилди. Уларнинг ҳисоблашича, Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ Тешик-тош ёдгорлиги билан бир вақтда ҳукм сурган, Омон-Қўтон, Такалисой, Гўрдара маконлари ушбу маданиятнинг илк ёдгорликлари ҳисобланади⁴⁵.

Бошқа бир нуқтаи-назар Ўзбекистон тишсимон мустеси тадқиқотчиси Т. Оманжулов томонидан илгари сурилади⁴⁶, унинг қарашлари Л.В. Кулаковская томонидан қўллаб қувватланади⁴⁷. Уларнинг фикрича, Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ тишсимон мусте вариантыга киритилади. “Палеолит СССР” томи муаллифлари эса Қўтирбулоқни типик мусте вариантыга киритганлар⁴⁸.

XXI аср бошларига келиб, Ф. Борд томонидан илгари сурилган ўрта палеолит даври индустрияларини тишсимон мустега ажратиш қайта кўриб чиқилди. Бунда асосан тош ашёларнинг морфологик белгиларига эътибор қаратилди. Тишсимон индустрияларни таҳлил қилишда С. Тибуа асосий эътиборни тош ашёлардаги ретушларнинг характерига қаратди⁴⁹.

Кўлбулоқда бўлгани сингари, Зирабулоқнинг индустриясини тишсимон мусте вариантыга ажратишнинг⁵⁰ яроқсизлиги аниқланди. Зирабулоқнинг индустрияси В.А. Ранов⁵¹ томонидан типик мусте ва Р.Х. Сулаймонов⁵² томонидан эса Обирахмат маданиятига киритилган эди.

⁴⁴ Сулейманов Р.Х. Статистическое изучение культуры грота Оби-Рахмат. –ФАН, Ташкент, 1972. -С. 118-120.

⁴⁵Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. –ФАН, Ташкент, 1980. -С. 69-76.

⁴⁶ Оманжулов Т. Мустьерские памятники Ташкентского оазиса и их место в палеолите Средней Азии // Проблемы взаимодействия природы и общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент, 1988. -С. 17.

⁴⁷ Кулаковская Л.И. Мустье Азии: Взгляд из Европы // Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной и Восточной Азии, и Америки. Новосибирск, 1990. -С. 111-114.

⁴⁸ Абрамова З.А. Ранний палеолит азиатской части СССР. Палеолит СССР. М., 1984. С. 144.

⁴⁹Thiébaud C. Denticulate moustérien: Myth or Reality? // Middle Paleolithic Human Activity and Paleoecology: New Discoveries and Ideas. Stadia Archeologiczne XI.I. Wrocław, 2010. -P. 346.

⁵⁰ Оманжулов Т. Мустьерские памятники Ташкентского оазиса (техничко-типологическое исследование). Автореф. дисс. канд. наук. Л., 1984. -С. 24. Кулаковская Л.И. Мустье Азии: Взгляд из Европы // Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной и Восточной Азии, и Америки. Новосибирск, 1990. -С. 114.

⁵¹ Ранов В.А. О возможности выделения локальных культур в палеолите Средней Азии // Известия отделения обществ. Наук АН ТаджССР вып. 3, Душанбе. 1968. -С. 12.

⁵²Сулейманов Р.Х. Грот Оби-Рахмат и математико-статистическая гипотеза Обирахматской культуры. Автореф. дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1968. -С. 22.

Зирабулоқнинг ўрта палеолит комплекси нуклеуслари орасида асосий ўринни бир зарб майдондан ва бир юзадан чақмоқлаш усули ташкил қилади (40,7 %). Бундай ўзаклардан субпараллел равишда леваллуа йўнилғилари чақмоқлаб олинган. Кейинги поғонада бир юзадан қарама-қарши-субпараллел равишда леваллуа йўнилғилар чақмоқлаб олинган нуклеуслар жойлашади (19,5 %). Кўриниб турибдики, тилга олинган ҳар иккала усулда ҳам эътибор леваллуа (дорсали кўп қиррали) чақмоқлаш техникасига қаратилган. Ушбу тоифа ўзакларнинг иш юзаларини чақмоқлашга тайёрлашда икки қиррали йўнилғилар ҳам синдириб олинган. Бироқ, икки қиррали йўнилғилар тўпдамда деярли иккиламчи ишлов берилмаган. Кейинги ўринни эгаллайдиган ортогонал ўзакларни (10,4 %) чақмоқлаш характери ҳам юқоридаги тур нуклеусларга ўхшаш, фақатгина иш юзаларидан фойдаланишда синдириш стратегиялари ўзгарган холос. Гардишсимон нуклеуслар ушбу комплексда 16,2 % ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, параллел-леваллуа йўнилғиларини чақмоқлашнинг устунлиги (55,2 %) Зирабулоқнинг ўрта палеолит даврига оид комплексини леваллуа-мусте фациясига киритиш имконини беради.

Зирабулоқнинг мусте даври комплексида тош қуроллар нисбатан кам сонли (7,6 %). Улар орасида етакчи ўринни қирғичлар эгаллайди. Кейинги поғонани мусте типидagi тифлар (21,8 %) ҳамда типологик жихатдан турлитуман атипик қирғиччалар банд қилади. Кейинги ўринларни субпараллел дорсалли ретушланган пластиналар (5,9 %), қайроқтош қобикли пичоқлар (3,9 %), учириндилардан ишланган тош бигизлар (5 %) рандасимон қуроллар (1,3 %) жойлашади.

Шундай қилиб, Зирабулоқнинг мусте даври комплексини Хожикент, Жар-Қўтон, Оби-Рахмат индустриялари қатори леваллуа вариантига киритиш ўринлидир. Леваллуа техникасининг устун характердалигига кўра Зирабулоқнинг мусте комплекси Қўтирбулоқ ва Обирахмат ғори тош индустрияларига ўхшашдир. Фақат фарқи шундаки, тилга олинган ҳар иккала комплексларда (Қўтирбулоқ ва Обирахмат) леваллуа йўнилғилари узунчоқ пропорциялидир. Зирабулоқда эса, бошланғич хом ашёнинг шакли аввал бошданок кичик ҳажмли бўлиб, узунчоқ йўнилғиларни қўлга киритиш имконияти чекланган бўлган. Айрим ўхшашликлар Омон-Қўтон ғори материаллари орасида ҳам кузатилади. Бундай ўхшашликлар леваллуа тифларгагина хосдир.

VI. 2-§. Зирабулоқ топилмажойи сўнгги палеолит даври комплекси. Яқин кунларгача Ўзбекистон ҳудудида сўнгги палеолит даврига оид ёдгорликлар бармоқ билан санарли даражада кам эди. Улар қаторига Тошкент воҳасида Кўлбулоқ ёдгорлигининг юқори (I-III) қатламлари ва Самарқанд маданияти (Самарқанд макони, Хўжамазгил ҳамда Сиёбча топилмажойлари) кирар эди.

Ўз пайтида А. П. Окладников⁵³ Самарқанд макони билан Малта, Бурет, Кокерова ва Афонтова ёдгорликлари билан генетик боғлиқликлари борлигини таъкидлаган эди. Самарқанд макони билан кўп қатламли Шугноу ёдгорлиги ўртасида ҳам ўхшашликлардан кўра тафовутлар кўп учрайди. Улар ўртасидаги ўхшашликлар ҳақида В. А. Ранов⁵⁴ ва Ю. П. Холюшкинлар кўп бора таъкидлаганлар.

Кейинги ўтган ўн йилликлар мобайнида Ўзбекистон-Россия-Белгия халқаро экспедицияси томонидан Обирахмат ғорида олиб борилган тадқиқотлар оламшумул натижаларни берди⁵⁵. Ёдгорликнинг 9 м лик маданий қатламлари индустриялари ўрта палеолитдан унинг сўнгги босқичига ўсиб ўтганлиги маълум бўлди. Халқаро экспедиция Пском дарёси бўйидан сўнгги палеолит даврининг иккинчи ярмига оид Тўдахотин 1 ва 2 топилмажойларини очиб ўрганди. Шунингдек, Оҳангарон дарёси водийсидаги Қизилолма 2 устахонаси сўнгги палеолит даврининг биринчи ярми билан қайта саналанди. Маданий жиҳатдан эса, улар ягона Тошкент сўнгги палеолит даври маданиятига бирлаштирилди. Улардан энг қадимгилари Обирахмат ва Қизилолма 2 ёдгорликлари материаллари ҳисобланди. Ушбу маданият тараққиётининг иккинчи босқичига эса, Тўдахотин 1 ва 2 ҳамда Кўлбулоқнинг юқори қатламлари киритилди⁵⁶.

3. А. Абрамова⁵⁷ Самарқанд маконини Сибир-Мўғул вилояти ёдгорликлари доирасига киритишни шубҳа остига қўяди⁵⁸.

Самарқанд маконини Сибир-Мўғул вилояти маданияти ёдгорликлари доирасига киритиш муаммосига 2000 йилда Г. Ф. Коробкова ҳамда М. Д. Жўракуловлар ўзларининг кенг қамровли «Самарқандская стоянка как эталон верхнего палеолита Средней Азии» номли асарларида эътибор қаратишди⁵⁹. Уларнинг фикрича, Самарқанд макони индустрияси билан ўхшашликлар Малта ва Бурет ёдгорликларида кузатилади. Негаки, уларда ҳам Самарқанд

⁵³ Окладников А.П. Древние связи культур Сибири и Средней Азии // Бахрушинские чтения 1966 г. Вып. 1. Новосибирск, 1968. –С. 144-157.

⁵⁴ Ранов В. А. Шугноу – многослойная палеолитическая стоянка в верховьях р. Яксу. Раскопки 1969-1970 гг. // Археологические работы в Таджикистане. Вып.10. Душанбе. 1973. –С. 8. Шумов В. В. Самарқандская стоянка первобытного человека (полевого отчет о раскопках и геологическая характеристика / Архив Самарқандского Музея истории, культуры и искусства УзбССР. №. 996. Самарқанд, 1981. –С 17.

⁵⁵ Деревянко А.П., А.И. Кривошапкин, А.А. Аношкин, У.И. Исламов, Петрин В.Т., Сулейманов Р.Х., Сайфуллаев Б.К. Ранний верхний палеолит Узбекистана: Индустрия грота Оби Рахмат (по материалам слоев 2-14) // Археология, этнография и антропология Евразии 4 (8). Новосибирск, 2001. –С. 66. Деревянко А.П., Аношкин А.А., Кривошапкин А.И., Милютин К.И., Исламов У.И., Сайфуллаев Б.К. Новые данные о палеолитических индустриях пещеры Пальтау (Республика Узбекистан) // Проблемы каменного века Средней и Центральной Азии. Изд-во Института археологии и этнографии СО РАН. Новосибирск, 2002. –С. 44. Деревянко А.П., Исламов У.И., Петрин В.Т., Сулейманов Р.Х., Алимов К., Кривошапкин А.И., Аношкин А.А., Милютин К.И., Сайфуллаев Б.К. Исследования грота Оби-Рахмат (Республика Узбекистан) в 1999 г. // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Изд-во ИАЭТ СО РАН, Новосибирск, 1999. –С. 48.

⁵⁶ Кривошапкин А.И. Обирахматский вариант перехода от среднего к верхнему палеолиту: автореф. дис. ...д-ра ист. наук. – Новосибирск. 2012. -С. 40.

⁵⁷ Абрамова З.А. Поздний палеолит Азиатской части СССР // Палеолит СССР. –Наука. М., 1984а. -С. 306.

⁵⁸ Ўша жойда. -С. 308.

⁵⁹ Коробкова Г.Ф., Джуракулов М.Д. Самарқандская палеолитическая стоянка как эталон верхнего палеолита Средней Азии: (специфика техники расщепления и хозяйственно-производственной деятельности) // Stratum plus. Вып. 1. Кишинев, 2000. -С. 385–462.

маконида ҳам «айрим керткли учириндилар ва пластинкалар, учлари тағйўнишли исканасимон қуроллар, қайроқтошли қуроллар ва қирғичлар учрайди»⁶⁰. Ушбу маконлар инвентарлардаги кузатилган аналогияларни тадқиқотчилар «даврий ва минтақавий типдаги конвергент ҳолат», деб баҳолайдилар⁶¹.

Г.П. Григорьевнинг ҳисоблашича, Ўрта Осиёда ўртадан сўнгги палеолитга ўтиш узоқ вақт давом этган ва бу ерда классик нуқтаи-назардан "соф" сўнгги палеолит бўлмаслиги ҳам мумкин⁶². К.А. Колобова ва А.И. Кривошапкинларнинг таъкидлашича, ҳудуддаги сўнгги палеолит даври ёдгорликларининг айримлари хато равишда мезолит даври билан саналаб юборилган. Негаки, илгари мезолит даври маданиятларини ажратишнинг асосий мезони микролитлар чақмоқлаб олиш услубининг мавжудлиги ҳисобланар эди. Бироқ, ҳудуднинг палеолит даврини ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, чақмоқлашнинг ушбу услуби сўнгги палеолит даврида ҳам кенг қўлланилган⁶³.

Ўрта Осиёнинг сўнгги палеолит даври учун В.А. Ранов шартли равишда учта фацияни ажратиб кўрсатган: Самарқанд, Хўжағор ва Қоракамар. Биринчи гуруҳ ёдгорликлар В.А. Рановнинг фикрича, А гуруҳи ёдгорликлари доирасига киради ва қолган икки фация – Б гуруҳи ёдгорликларига киритилган.

Самарқанд фациясига Найза-Тош (Тожикистон) ва Самарқанд макони (Ўзбекистон) киритилган. Ушбу ёдгорликларнинг индустриялари учун қуйидаги ўзига хос хусусиятларни ажратиш мумкин: тош қуроллар ясашда асосан кенг ва массив пластинасимон учириндилардан фойдаланилган, мусте даври элементлари сақланиб қолади, қайроқтошли қуроллар учрайди ва нуклеусларнинг шакллари қўпол.

Қоракамар фациясига Янгажа (Туркманистон) Қора-Камар (Афғонистон) ёдгорликлари киритилган ва ушбу фация нуклеуссимон ва қалин типли (каране) қирғиччалари билан характерланади. Нуклеуслари гардишсимон ҳамда қўпол призматик шакллардан таркиб топган. Пластиналарининг ҳажми йирик.

Хўжағор фациясига Хўжа-Ғор ва Қизил-Лой (Тожикистон) ёдгорликлари киритилган. Уларнинг индустриялари Қоракамар фациясиникига ўхшаш. Аммо, бу ерда анча такомиллашган шакллар кенг тарқалган: «граветти» типдаги тиглар, тановорлар учларида шакллантирилган қирғиччалар, кўп сонли ихтисослашган қуроллар – тиглар, бигизлар ва ҳ.к.лар учрайди⁶⁴.

⁶⁰Ўша жойда. -С. 458.

⁶¹Ўша жойда. -С. 459.

⁶²Григорьев Г.П., Ранов В.А. О характере палеолита Средней Азии // Тезисы докладов сессии, посвященной итогам полевых археологических исследований 1972 года в СССР. – ФАН, Ташкент: 1973. –С. 195-197.

⁶³Кривошапкин А. И., Колобова К. А., Харевич В. М. Индустрия стоянки Додекатым-2 (Узбекистан): новые данные по верхнему палеолиту региона // Вестник НГУ. Серия: история, филология. Т. 8. – Вып. 5: Археология и этнография. Новосибирск, 2009. –С. 74–97.

⁶⁴Ранов В.А., Несмеянов С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии. Душанбе, 1973. -С. 22-25.

Р.Ҳ. Сулаймонов Семиганч, Оғзи-Кичик, Шугноу (Тожикистон) ёдгорликлари ҳам Обирахмат маданиятига киришини таъкидлаган. Кенг ҳудудий контекстда тадқиқотчи Олд Осие, Яқин Шарқ, Кавказ ва Европа билан ўхшашликларни келтириб ўтган⁶⁵.

Р.Ҳ. Сулаймонов томонидан техник-типологик таҳлиллар натижалари асосида Ўзбекистоннинг сўнгги палеолит даври ёдгорликлари (Самарқанд макони, Сиёбча, Хўжамазгил) бир-бирига ўхшаш ва синхрон деб топилди⁶⁶.

Р.Ҳ. Сулаймоновнинг юқоридаги концепцияларига ўхшаш ғоялар Т. М. Оманжулов томонидан ҳам ишлаб чиқилди ва у ҳудуднинг мусте маданиятида иккита маҳаллий гуруҳларни ажратди: биринчи – Обирахмат гуруҳи (Обирахмат, Полтов, Хўжакент-1, 2), иккинчи – Кўлбулоқ (Кўлбулоқ, Кўхисим, Бўзсув 1-4, Бургулук комплекси) гуруҳи⁶⁷.

Сўнгги палеолит даври учун М.Р. Қосимов маҳаллий тафовутли олтита гуруҳни ажратади. Биринчи гуруҳга – Самарқанд макони, Хўжамазгил, Сиёбча, Учтут ва Ижонтнинг сўнгги палеолитга оид комплекслари киритилган (Зарафшон воҳаси). Ушбу ёдгорликларнинг чақмоқлаш техникаси ўхшаш бўлганлиги учун ягона гуруҳга бирлаштирилган: йўнилғи учларида шакллантирилган қирғиччалар ва тишсимон-керткли қуроллар кўпчиликни ташкил қилади. Типик призматик нуклеуслардан кўра гардишсимон ўзаклар сон жиҳатидан устунлик қилади.

Иккинчи гуруҳга Кўлбулоқнинг сўнгги палеолитга оид юқори учта қатламларини, Қизилолмасой, Гиштсой устахоналарининг сўнгги палеолит даври комплексларини, Бўзсув 1 ва 2 топилмажойларини ва Оқтош ғор маконини киритган (Ўзбекистон). Бу ерда биринчи гуруҳ ёдгорликларида бўлгани каби, айрим мустега хос элементлар сақланиб қолади⁶⁸. Қолган тўртта гуруҳга Тожикистон, Қозоғистон ва Туркменистон материаллари киритилган⁶⁹.

Ўрта Зарафшонда мавжуд сўнгги палеолит даври комплекслари даврнинг иккинчи ярми билан саналанган. Зирабулоқ топилмажойи фақатгина ўрта палеолит даврига хос деб ҳисобланган ва мусте фациялари доирасида кўриб чиқилган. Бироқ, Зирабулоқнинг тош ашёлари орасида шубҳасиз, сўнгги палеолит даврини характерлайдиган 105 та артефакт ажратилди.

Зирабулоқнинг сўнгги палеолитга оид коллекцияси тош қуроллари орасида илк сўнгги палеолит (ориняк) даврини характерловчи узунчоқ ҳажмли леваллуа тиглар, леваллуа пластиналар, терига ва гўштга ишлов берувчи ретушланган пластиналар, қирғиччалар (каране, амюзо, юмалок,

⁶⁵ Ўша жойда. -С. 72-73.

⁶⁶ Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. – Ташкент: ФАН, 1980. -С. 91.

⁶⁷ Оманжулов Т. М. Мустьерские памятники Ташкентского оазиса (техничко-типологическое исследование). Автореф. ... канд. дисс. – Л., 1984. -С. 17.

⁶⁸ Касымов М.Р. Проблемы палеолита Средней Азии и Южного Казахстана (по материалам многослойной палеолитической стоянки Кульбулак). Автореф. ... докт. ист. наук. – Новосибирск, 1990. -С. 41-42.

⁶⁹ Ўша жойда -С. 42.

қирралари ретушланган пластиналардан ишланган қирғиччалар), ёғочга ва суякка ишлов берадиган ординар кесгичлар ҳамда исканалар учрайди.

Зирабулоқ топилмажойи сўнгги палеолит даврига киритилган тош ашёлар Обирахмат гуруҳига киритилган (Омон-Қўтон, Қўтирбулоқ, Обирахмат) ёдгорликлар комплекслари билан яқин аналогияларга эга. Бундан ташқари, айрим ўхшашликлар Сўх водийси топилмажойлари материаллари орасида ҳам кузатилади⁷⁰.

Зирабулоқ топилмажойи сўнгги палеолитга оид комплекси Зарафшон воҳасида кенг тарқалган Самарқанд сўнгги палеолит даври маданияти индустрияларига ўхшашликларидан кўра тафовутлари кўпроқ ва бу микроинвентарлар ва қайроқтошли қуролларнинг Зирабулоқда учрамаслигида акс этади.

Зирабулоқнинг сўнгги палеолит комплекси худуддаги ўрта палеолитнинг леваллуа варианты негизида шаклланган ва эҳтимол, Самарқанд сўнгги палеолит маданиятининг келиб чиқишига асос бўлган.

VI. 3-§. Зирабулоқнинг мезолит даври комплекси. Ушбу комплексга юзаси патина билан қопланмаган ва мезолит даврини характерлайдиган тош ашёлар киритилди (69 та). Маълумки, голоцен даврининг бошланиши билан коррозия жараёнлари тўхтади ва эндиликда тош ашёлар ташқи патинага учрамайди. Тўпламнинг нуклеуслари орасида ташқи патина билан қопланмаган кичик ҳажмли леваллуа нуклеуслар учрайди.

Коллекциядаги параллел равишда пичоқсимон пластиналар олишга мўлжалланган призматик нуклеуслар эса воситачи мослама (пунш) ҳамда эзма техникалар ёрдамида чақмоқланган.

Коллекциянинг қуроллари орасида асосий ўринни кичик ҳажмли конвергент қирғичлар эгаллайди. Улар фақат кремний ҳамда кремнийлашган жинслардан ишланган. Қирраларидаги ретушлари тизимли ва ҳатто, микроретушлар ёрдамида ишлов берилганлари ҳам мавжуд. Тўпланда шунингдек кам сонли тош куракчалар, дисксимон қирғиччалар ва биттадан кесгич, геометрик трапеция ва учбурчаксимон қуроллар ҳам мавжуд бўлиб, уларга ўтмаслаштирувчи ретушлар ёрдамида ишлов берилган.

VI. 4-§. Ўрта Зарафшон воҳаси тош даври жамоаларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти.

Ўрта Осиёда “ибтидоий одамлар ўзлаштириши учун энг қулай иқлим шароитлари қуйи плейстоцен даврининг иккинчи ярми, ўрта плейстоценнинг бошлари ва голоцен даврларига тўғри келганлиги” аниқланган⁷¹. Сўнгги плейстоценнинг дастблабки уч чорагида Ўрта Осиё текисликларида нам ва салқин иқлим шароитлари ҳукмрон бўлган⁷².

⁷⁰ Анарбаев А.А., Сайфуллаев Б.Қ., Саидов М.М. Сўх қадимда ва ўрта асрларда (Археологик материаллар мисолида). ЎзР Миллий археология маркази. “Фарғона нашриёти”, 2022 й. –Б. 71.

⁷¹ Мамедов Э.Д., Батулин С.Г. Палеогеографическая обстановка и древнее расселение человека в пустынях Средней Азии // Палеоэкология древнего человека. Наука, М., 1977. -С. 222-230.

⁷² Мамедов Э.Д. Изменение климата среднеазиатских пустынь в голоцене // Колебания увлажненности Арало-Каспийского региона в голоцене. Наука, М., 1980. -С. 170-175.

Ибтидоий одамлар сув ҳавзалари бўйларидаги тепаликларнинг ён-бағирларида ертўлалар қуришиб, устини шох-шабба, ўт-ўланлар ва эҳтимол, ҳайвон терилари билан ёпиб истиқомат қилганлар. Маконларнинг бундай жойлашуви стратегик жиҳатдан ҳам қулай бўлган. Негаки, ҳаёти ов объектларига чамбарчас боғланган тош даври аҳолиси атроф ҳудудларни доимий кузатувда яшаганлар. Бундан ташқари, тепалик ён-бағрида яшаш бу жойларда табиий сувларнинг сақланиб қолишига монелик қилган. Натижада, маконлар қуруқ сақланган⁷³. Ана шундай сел жараёнларида археологик материалларнинг бир-бирига ва табиий тошларга урилиши оқибатида сохта ретушлар ҳосил бўлган ва уларнинг нотўғри талқини ёдгорликларни маданий-даврий интерпретацияларининг хато талқин қилинишига олиб келган (тишсимон мусте)⁷⁴.

Ўрта Зарафшон воҳаси ўрта палеолит даврининг иккинчи ярмидан параллел леваллуа маданияти соҳиблари томонидан ўзлаштирила бошланган.

Ўрта Зарафшон воҳаси ўрта палеолит даври ёдгорликларидан топилган тош қуроллар орасида ҳайвон териларига ва гўштга ишлатилган қирғичлар асосий ўринни эгаллайди. Мусте даври комплекслари тош қуроллари орасида тош бигизлар ва искансимон қуроллар ҳам салмоқли ўрин тутди ва бу уларнинг ҳайвон териларидан кийимлар тайёрлаганликларидан ҳамда ёғочга ишлов берганликларидан далолат беради.

Комплексларнинг тош ашёлари орасида оловда куйган нусхаларининг учраши маконларда сунъий оловдан кенг фойдаланилганлигидан далолат беради.

Сўнгги палеолит даврига келиб, Зирабулоқда тошга ишлов бериш техникасида катта эволюцион ўзгаришлар рўй беради. Бу авваломбор, тош қуролларга ишлов беришда ретушларнинг тартиблилиги, параллеллиги ва тизимлигида, шунингдек, тош синдириш техникасида енгил тош ушатғичнинг қўлланила бошланишида ўз аксини топади.

Қирғиччаларнинг ориняк маданияти учун хос бўлган каране, амюзо, микромюзо ва қирралари ретушланган пластиналар учларида ишланган кўндаланг типлари кенг тарқалади. Тошларни чакмоқлаш техникасида ўрта палеолит даврида орттирилган параллел леваллуа усули сақланиб қолади.

Зирабулоқнинг сўнгги палеолит даври комплексидаги инновацион ўзгаришлардан бири – бу ерда кўрсатғич бармоққа мўлжалланган балиқ тангасини тозалашда фойдаланилган тош пичоқларни чакмоқлаб олишнинг пайдо бўлиши ҳисобланади ва бу сўнгги палеолит даврининг бошларида яшаган Зирабулоқ аҳолисида примитив балиқчиликнинг мавжуд бўлганлигини таъкидлаш имконини беради.

⁷³ Сайфуллаев Б.К., Хушвақтов Н.О., Курбонбоев И.М. О позднем палеолите Узбекистана (по материалам новых технико-типологических исследований индустрии верхних (I-III) слоев Кульбулака). ИМКУ, выпуск 35. 2009. -С. 29-34.

⁷⁴ Сайфуллаев Б.К. Некоторые особенности палеолита Узбекистана. Археология Узбекистана №1. Самарканд, 2010. -С. 30-32.

Зирабулоқнинг илк сўнгги палеолит даврига оид жамоалари демографик ўзгаришлар туфайли Зарафшон воҳасининг ўрта ва қуйи оқимлари бўйлаб кенг тарқалганлар ва оқибатда, Самарқанд сўнгги палеолит маданиятининг пайдо бўлишига замин ҳозирлаганлар.

Мезолит даврида Зирабулоқнинг тошга ишлов бериш техникасида катта силжишлар рўй берди. Тошларни чақмоқлашнинг воситачи орқали ва эзиш техникасида синдириш усуллари кашф қилинди. Микроинвентарлар ва айрим геометрик қуроллар пайдо бўла бошлади.

Хўжалик ҳаётда асосий машғулот овчилик ва теримчилик бўлиб қолади. Зирабулоқнинг мезолитга оид комплексида ер қазииш учун мўлжалланган тош куракчаларнинг пайдо бўлиши диққатга сазовордир. Улар ёрдамида эҳтимол, ертўлалар қазииш, илдизларни ва хом ашёни қазиб олиш ишлари амалга оширилган.

Хулоса

Плейстоцен даврининг охирларида содир бўлган иқлим ўзгаришларига қарамасдан, Самарқанд ботиғи ва унинг атрофидаги ҳудудларда ибтидоий одамларнинг яшаб қолишлари учун қулай палеоэкологик шароитлар ҳукм сурган. Бир томони Зиёвуддин тоғлари ва иккинчи томони Зарафшон дарёсининг чап соҳилларига туташган ҳудудларда бой палеофауна ва флора ҳукм сурган. Тоғолди ҳудудларида серсув булоқлар мавжуд бўлган.

Зирабулоқда 9 хилдаги тош хом ашёсидан фойдаланилган ва улар тоғ этакларидан ва Зарафшон дарёси ўзанидан танлаб, йиғиб келтирилган. Зирабулоқликлар ушбу хом ашёларнинг сифати ва хусусиятлари ҳақида яхши билимларга эга бўлганлар⁷⁵. Масалан, қумтошларнинг фақат майда қумлиларидан фойдаланилган. Майда қумли қумтош йирик қумлисига кўра мўртроқ ва юмшоқроқ бўлади. Ёдгорликнинг сўнгги палеолитга оид қуроллари орасида бир дона обсидиандан ишланган қайроқтош хом ашёси ҳам қадимги Зирабулоқ аҳолиси томонидан Зарафшон дарёси ўзанидан олиб келинган⁷⁶.

Техник-типологик ва морфологик таҳлиллардан келиб чиқиб, Зирабулоқ макони индустрияси бўйича қуйидаги концепцияларни илгари суриш мумкин:

1. Зирабулоқ топилмажойи материаллари орасида мусте даври комплекси ажратилди. Нуклеуслар орасида бир ва икки зарб майдонлилари устунлик қилади. Чақмоқлаш субпараллел тарзда амалга оширилган. Тўпламда кам сонли радиал-гардишсимон ўзаклар ҳам мавжуд. Йўнилғилар орасида уч қиррали, субпараллел дорсалли ва йўниб, фасеткалаштирилган зарб майдончали леваллуа учириндилар юқори фоизда. Қуроллар орасида қирғичлар, леваллуа тиглар, мусте тиглари, айрим бигизлар ва кесгичлар, янада камроқ учлари атайин кесилган исканачалар, қирраларидан бири қайроқли тош пичоқлар ва ретушланган ашёлардан иборат. Тошларни

⁷⁵ Сайфуллаев Б.К. Некоторые проблемы раннего палеолита Узбекистана // Археология Узбекистана, №1 (8). Самарқанд, 2014. -С. 7-10.

⁷⁶ Сайфуллаев Б.К. Роль сырья в развитии техники обработки камня в палеолите Самарканда (по материалам местонахождений Кутирбулак и Зирабулак). Взгляд в прошлое. №25. Ташкент, 2019. -С. 30-42.

чақмоқлаш оғир тош ушатғичлар ёрдамида амалга оширилган. Қайроқтошли элементлар учрамайди. Зирабулоқнинг мусте даври комплексига яқин аналогиялар Қўтирбулоқ ҳамда Тешиктош⁷⁷ макони материаллари орасида учрайди.

2. Зирабулоқ топилмажойи тош индустриясидаги “*тишсимон қуроллар*” қайта тадқиқ қилинди ва уларнинг жуда кам сонли ва асосан механик келиб чиқиш хусусиятига эга эканлиги аниқланди. Шунинг учун ҳам “тишсимон элемент”лар, шунингдек сохта ретушли йўнилғилар тадқиқотда қуроллар синфига киритилмади. Натижада, Зирабулоқ индустриясининг маданий хусусиятлари борасидаги талқинлар ўзгарди. Муаллифлар томонидан “тишсимон” элементлар фоизининг катталигига асосланган талқинлари, яъни Зирабулоқ индустриясининг тишсимон мусте фациясига киритганликларининг асоссиз эканлиги исботланди.

3. Зирабулоқ топилмажойи материаллари орасида илк маротаба сўнгги палеолит даври комплекси ажратилди. Нуклеуслар орасида пластина ва пластинкалар чақмоқлаб олишга мўлжалланган конуссимон, ёнлама, микропирамидал шакллар мавжуд. Тош қуроллари қирғиччалар (каране, амюзо, қирралари ретушланган пластина учларида ишланган орияк типидagiлар ва ҳ.к.), кесгичлар, айрим тош бигизлар ва ретушланган пластиналардан иборат. Ретушлари аввалги мусте давридагидан кескин фарқ қилади ва тўпдамда микро, юпқа ва ботиқ ретушли қуроллар учрайди. Йўнилғилари енгил ушатғичлар ёрдамида чақмоқланган ва уларнинг аксарияти *accident* жараёнига учраган, яъни чақмоқланиш жараёнида вентрал тарафдан зарб майдончаларининг ўйилиши содир бўлган.

4. Зирабулоқнинг сўнгги палеолит даври комплексига ўхшаш аналогиялар Обирахмат⁷⁸, Кўлбулоқ⁷⁹, Чорбоқти⁸⁰ ва Фарғона водийси⁸¹ ёдгорликлари материаллари орасида учрайди. Ёдгорликнинг индустрияси қайроқтошли элементлар ва микролитларнинг учрамаслиги билан Самарқанд маданияти технокомплексларидан фарқ қилади. Зирабулоқнинг сўнгги палеолит даври комплекси кўп жиҳатдан орияк типидagi классик комплексларга яқин. Шунга асосланиб, Зирабулоқнинг мазкур мажмуасини сўнгги палеолит даврининг бошлари билан саналанди.

5. Зирабулоқнинг сўнгги палеолит даври комплексига кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқлар туркумлари аниқланди. Бундай пичоқлар

⁷⁷ Сайфуллаев Б.Қ. Тешик-тош ғори ва унинг Марказий Осиё палеолитшунослигида тутган ўрни. Ўзбекистон Археологияси, №2 (17). Самарқанд, 2018. –Б. 5-8.

⁷⁸ Сулейманов Р.Х. Грот Обирахмат и опыт математико-статистического изучения Обирахматской культуры/ автореф. дисс. на соиск. уч. степени к.и.н./ Ан УзССР, Институт истории и археологии. Т. 1968. – С. 21. Сулейманов Р.Х. Статистическое изучение культуры грота Оби-Рахмат. – Ташкент: ФАН, 1972. –С. 172.

⁷⁹ Касымов М.Р. Проблемы палеолита Средней Азии и Южного Казахстана (по материалам многослойной палеолитической стоянки Кульбулак). Автореф. ... докт. ист. наук. – Новосибирск, 1990. –С. 47.

⁸⁰ Холматов Н.Ў. Зарафшон воҳаси мезолит ва неолит даври тарихи: тадқиқот муаммолари, истикболлари. СамДУ ахборатномаси журнали, 2020. №4. –Б. 18.

⁸¹ Анарбаев А.А., Сайфуллаев Б.К Ражабов А.Ю. Недостающее звено в первобытной истории Ферганы Археология Узбекистана, 2013, №1 (6). -С. 2-12. Sayfullaev B.K. Les nouvelles decouvertes dans la valley de Ferghana. L'Anthropologie, Paris, France. 2017. septembre-octobre. -P. 16-24.

фақат балиқ тангаларини тозалаш учунгина қўлланиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу пичоқлар Зирабулоқнинг индустриясида нуклеусларда махсус тайёрланган. Ёдгорликнинг бундай ўзаклари “*зирабулоқ типигадаги кўрсатгич бармоққа мўлжалланган тош пичоқларни чақмоқлашга ихтисослашган нуклеуслар*” ва қўлга киритилган пичоқлар “*зирабулоқ типигадаги кўрсатгич бармоқ пичоқлари*” деб номланди ва дунё палеолитшунослиги тилга олинган янги тош ашёлар типлари билан бойитилди.

Хулоса қилиш мумкинки, сўнгги палеолит даври бошларида яшаган Зирабулоқнинг ибтидоий аҳолиси нафақат овчилик ва теримчилик, балки яқин атрофдаги сув саёз ҳавзаларидан балиқни ҳам овлаб истеъмол қилганлар⁸².

6. Зирабулоқ топилмажойи материалларини ўрганишда қўлланилган технологик усулга кўра⁸³, тошларни воситачи орқали чақмоқлаш усули мезолит даврининг охирларида, эзиш техникаси ёрдамида чақмоқлаш эса неолит даврида пайдо бўлади. Ушбу тушунчалардан келиб чиқиб, Зирабулоқнинг нуклеуслари орасида микропластинкалар ва пластиналарни воситачи ёки эзиш техникаси ёрдамида чақмоқлаб олинганлари аниқланди. Тош қуроллар орасида тош куракчалар, гардишсимон қирғиччалар, конвергент шаклли митти қирғичлар, айрим кесгичлар, биттадан геометрик учбурчак ва шохли трапеция учрайди. Ушбу материаллар Жанубий Ўзбекистондаги сополгача бўлган неолит даврига оид Қайнар-Камар⁸⁴ ҳамда Қизилқумнинг айрим топилмажойларида ҳам аниқланган⁸⁵.

Шундай қилиб, Зирабулоқнинг Зарафшон воҳасида ўрта, сўнгги палеолит ва мезолит даврлари материалларини яхлит ўзида акс эттирган ягона ёдгорлик эканлиги аниқланди. Ёдгорлик материалларининг техник-типологик талқини Ўрта Зарафшон воҳасининг параллел-леваллуа техникасини мукамал даражада эгаллаган *archaic homo sapiens*лар томонидан ўзлаштирилганлигини ва эҳтимол, дунёда энг қадимги балиқчилик қуролларини яратган ва уларни эволюцияси *homo sapiens sapiens* – илк замонавий одамлар билан жисмоний ва маданий жиҳатдан узвийлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** ишлаб чиқиш имконини берди:

- тош даврига оид барча археологик атамаларни ўз ичига олган жаҳон фани стандартларига мос келувчи ўзбек тилидаги луғатни яратиш;

- Археология ва ўлкашунослик музейларида тош даври ривожланиш босқичларига оид археологик материаллар асосида экспозициялар ташкил

⁸² Джўракулов М.Дж., Сайфуллаев Б.Қ. “Кўрсатгич бармоқ” типигадаги тош пичоқларнинг Зирабулоқ варианты. Ўзбекистон Археологияси, №2 (17). Самарқанд, 2018. –Б. 75-88.

⁸³ Peligrin J., Texier P-J. La tribologie. Comment la science fait parler les vestiges archeologiques // Dossiers d'Archeologie. Fevrier № 290. Paris, 2004. -P. 26-33.

⁸⁴ Yoshihiro Nishiaki, Otabek Aripdjanov, Saiji Arai, Chie Akashi, Hiroto Nakata, Bakhtiyor Sayfullayev, Odil Ergashev, Rustam Suleimanov. Neolithization during the 6th millennium DCE in western Central Asia: New evidence from Kaynar Kamar Rock shelter, Hissar Mountains, Southeast Uzbekistan //Archeological Research in Asia, 30. Nederland, 2022. P. 1-19.

⁸⁵ Сайфуллаев Б.Қ. Қизилқумда янги археологик топилмалар // Мозийдан садо. 4/92, 2021. –Б. 20-24.

этиш ва шу асосда ибтидоий моддий маданиятлар ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш;

- Олий таълим муассасаларининг тарих, археология таълим йўналишлари талабалари учун “Тош даври маданиятларининг келиб чиқиши ва эволюцияси”, “Тош даври артефактларини тадқиқ этиш усуллари” мавзуларида ўқув-услубий адабиётларнинг янги авлодини яратиш;

- Тош даври ёдгорликлари дала тадқиқотлари базасида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини шакллантириш;

- Дунё фанига бебаҳо ҳисса қўшган Зирабулоқ топилмажойи ҳудудида очик осмон остидаги музей-қўриқхона ташкил қилиш;

- Маданий меросни тарғиб-ташвиқот қилишда қадимги тош даври археология туризм тизимини тузишда фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ
СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК DSc. 27.06.2017. ТАР.45.01.
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ ЦЕНТРЕ АРХЕОЛОГИИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ ЦЕНТР АРХЕОЛОГИИ

САЙФУЛЛАЕВ БАХТИЁР КУРБОНОВИЧ

**КУЛЬТУРНЫ КАМЕННОГО ВЕКА ДОЛИНЫ
СРЕДНЕГО ТЕЧЕНИЕ ЗАРАФШАНА
(по материалам местонахождения Зирабулак)**

**07.00.06-Археология
(Исторические науки)**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т
**Диссертации на соискание научной степени
доктора исторических наук (DSc)**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) по археологии зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № 07.00.06 B2022.3.DSc/Tar248

Диссертация выполнена в Национальном центре археологии Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на двух (узбекском, русском) языках и резюме на английском языке размещены на веб-странице по адресу www.archaeology.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz

Научный консультант:

Ширинов Темир Ширинович
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Аскарлов Ахмадали Аскарлович
доктор исторических наук, профессор,
академик АН РУз.

Сулейманов Рустам Хамидович
доктор исторических наук, профессор

Мавлянов Уктам Махмасобирович
доктор исторических наук, профессор

Ведущая организация:

Ферганский Государственный университет

Защита диссертации состоится в 16, декабрь, 2022 года. В 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/02.30.12.2019. TAR.45.01. при Национальном центре археологии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 81. Тел. (+99871) 262-64-62; e-mail: uzarchae@academy.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Национальном центре археологии Академии наук Республики Узбекистан и в Фундаментальной библиотеке (зарегистрирована за № 64). (Адрес: 100170, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58; Факс: (99871) 262-34-41).

Автореферат диссертации разослан “01” декабрь 2022 года
(Реестр протокола рассылки № от “8”, “01” декабрь 2022 года).

Ф.А.Максудов
Председатель Научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.и.н.

Д.Х.Муродова
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению
учёных степеней, к.и.н.

А.А.Анарбаев
Председатель научного
семинара при Научном совете
по присуждению учёных
степеней, д.и.н, профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (DSc) наук)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Археология каменного века, являющаяся неотъемлемой частью мировой истории, исследуется множеством ведущих научных центров мира. Известно, что основными источниками информации истории каменного века являются обработанные человеком каменные орудия. Эти информации дают сведения о жизни древнейших предков отдаленных от нас тысячелетиями. Орудия труда, сконцентрированные на памятниках каменного века и их динамика развития представляют особое значение в решении вопросов образа жизни, происхождения культурно-хозяйственной эволюции и процессов миграции первобытных людей.

В последние годы разработаны технологический метод Ж. Пелигрини и морфолого-технологический метод С. Тибуа, которые уже апробированы на материалах Ближнего Востока и Европы. Применение данных методик исследования для изучения индустрий памятников каменного века долины Зарафшана создают новые возможности в научном исследовании первобытной истории Средней Азии.

Исследование с помощью современных технико-типологических и морфологических методик коллекции каменных изделий местонахождении Зирабулак, выбранной объектом данного исследования, а также поднятие уровня изучения первобытной истории каменного века среднего течения долины Зарафшана на мировые стандарты определяет актуальность данной диссертации.

В годы независимости уделяется большое внимание изучению национальной истории и богатого культурного наследия, создающие широкие и более глубокие возможности проведения исследований археологических памятников. На сегодняшний день раскрытие истории местонахождении Зирабулак и ее культурно-хронологических особенностей, в определенной мере, служит выполнению этих задач. В направлении развития научно-исследовательской и инновационной деятельности, популяризации и обогащения богатой родной истории, материального и культурного наследия нашего народа, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан VII-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и VII-6097 от 29 октября 2020 года «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года», в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности в сфере охраны объектов материального культурного наследия», в Распоряжении Президента Республики Узбекистан Р-5181 от 16 января 2018 года «О совершенствовании охраны и использовании объектов материального, культурного и археологического наследия», в Постановлении

и указах Кабинета Министров Республики Узбекистан №792 от 21 сентября 2019 года “О коренном совершенствовании археологических исследований”¹.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в приоритетных рамках развития науки и технологий республики: «Формирование системы социальных, правовых, экономических, инновационных идей информативного общества и демократического государства и пути их реализации».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Археологические материалы Зирабулака были в поле зрения ряда зарубежных специалистов. Их можно разделить на две категории: непосредственно исследовавшие и косвенно изучавшие материалы местонахождения Зирабулак.

Косвенные исследования. Информация о Зирабулаке упоминается в монографии Л. Б. Вишняцкого «Палеолит Средней Азии и Казахстана»². Как отмечается в монографии, материалы Зирабулака аналогичны материалам классических памятников Западной Европы. В исследовании утверждается близость материалов местонахождений Зирабулак и Кутурбулак, а также их синхронность, т.е. мустьерский возраст этих памятников. Среднепалеолитические памятники долины Зарафшана проанализированы в статье исследователя из Беларуси Л. В. Кулаковской: «Мустье Азии: взгляд из Европы»³, в статье материалы памятников Зирабулак и Кутурбулак в культурном отношении отнесены к варианту зубчатого мустье среднего палеолита. Материалы Зирабулака упоминаются и в магистерской работе С. В. Шнайдер⁴, в которой основное внимание уделяется истории изучения памятника.

Непосредственные исследования. Исследователь из Франции Ф. Бруне в магистерской работе, посвященной исследованиям каменных индустрий Средней Азии проанализирует не опубликованные материалы Зирабулака. В ней автор отмечает разнообразность техники обработки каменных изделий памятника⁵.

Степень изученности проблемы. Долина среднего течения Зарафшана не перестает давать все новые древние археологические памятники,⁶ одним

